

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

«Мухандислик тизимлари» факультети

«Иқтисодиёт» кафедраси

“ЎИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛСИН”

“Иқтисодиёт” кафедраси мудири

_____ и.ф.д., проф. М.А.Махкамова

“ _____ ” “ _____ ” 2017 йил

Битирув малакавий иши

**МАВЗУ: “Саноатда тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг
ташкилий-иқтисодий механизмлари”**

Ишлаб чиқди:

Муйдинов А.Э.

Илмий рахбар:

и.ф.д., проф. Бурханов А.У.

Тошкент - 2017

МУНДАРИЖА:

КИРИШ	3
I БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	6
1.1. Тадбиркорлик фаолиятининг моҳияти ва ривожланиш хусусиятлари	6
1.2. Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари.....	13
1.3. Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш ва ривожлантиришда хорижий давлатлар тажрибалари.....	22
I боб бўйича хулоса.....	33
II БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	33
2.1. Ўзбекистонда саноат тармоқларини ривожланишининг ҳозирги ҳолати таҳлили.....	33
2.2. Ўзбекистон саноатида тадбиркорлик фаолияти ва уни тартибга солиниши.....	43
2.3. Саноатда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш йўллари.....	50
II боб бўйича хулоса.....	60
ХУЛОСА.....	61
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	63

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Миллий иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорлик фаолиятини самарали ташкил этиш ва уларни давлат томонидан тартибга солиш масалалари бугунги кунда жаҳонда рўй бераётган глобаллашув даври билан боғлиқ жараёнларнинг фаоллашувидан иборат. Тадбиркорликни ривожлантириш, уни давлат томонидан тартибга солиш масалаларига доир изланишлар мустақилликнинг илк йилларидан бошланган. 1995-2017 йиллар оралиғида республикамызда хусусий секторни ривожлантириш учун 100 дан ортиқ меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Натижада, хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишда янада кенг қулайликлар яратилди.

Президентимиз такидлаганларидек: “Бизнинг яна бир муҳим вазифамиз - кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, мамлакатимиз иқтисодий кудратини, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашдан, бу соҳа улушини янада ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат.... Шунинг учун бундан кейин тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилиш - давлат сиёсатига, Президент сиёсатига тўсқинлик қилиш, деб баҳоланади”¹.

Дарҳақиқат, давлатимиз томонидан тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида берилган имтиёзлар, яратилган имкониятлар ва қабул қилинган бир-қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар бунинг ёрқин мисолидир.

Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг солиқ ва статистика ҳисоботлари топширишни, божхона декларацияларини расмийлаштиришни эски усулдаги қоғоз тўлдириш йўли билан эмас, балки бевосита – электрон шаклда амалга ошириш имкони ҳам йўлга қўйилган.

¹Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. -Т.: Ўзбекистон, 2017. 15-бет.

Кўриниб турибдики, давлат сиёсатида иқтисодий ислохотларнинг устувор вазифалари каторида тадбиркорликни ривожлантиришни янада ошириш, иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва модернизация қилиш масалалари алоҳида ўрин олган. Биз танлаган мавзу шу нуқтаи назардан ўта долзарбдир.

Тадбиркорликни қўллаш орқали кичик корхона ва микрофирмаларни ривожлантириш, уларнинг фаолиятини янада яхшилаш мақсадида хизмат кўрсатувчи инфратузилма таркибини кучайтириш, қолаверса, энг муҳими фирмаларни давлат томонидан тартибга солишни янада мукамаллаштириш зарур. Шу боис мамлакатимизда тадбиркорлар ва ишбилармонларни фаоллигини сусайтираётган айрим муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган чора-тадбирларни кўриб бориш биринчи даражали вазифаларимиздан бўлиб қолмоқда.

Битирув малакавий ишнинг мақсад ва вазифалари

Битирув-малакавий ишининг асосий мақсади мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солиш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

Қўйилган мақсадга эришиш йўлида қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш белгиланди:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг моҳияти, тараққиёти, ўзига хос хусусиятлари ва назарий асосларини ўрганиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларини ўрганиш;
- кичик бизнес фаолияти бўйича хорижий мамлакатлардаги тажрибани ўрганиш ва улардан мамлакатимизда қўлланиши бўйича таклифлар тайёрлаш;
- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат тармоқларининг ривожланиши ҳолатини таҳлил қилиш;

- Ўзбекистон саноатида тадбиркорлик фаолияти ва уни тартибга солинишини таҳлил қилиш ;

- саноатда тадбиркорлик фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

Битирув-малакавий ишининг объекти

Битирув-малакавий ишининг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси саноат тармоқларида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари.

Тадқиқот предмети сифатида мамлакатимиздаги саноат тармоқлари соҳасидаги кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг фаолияти, уларнинг саноат корхоналари фаолиятида ривожлантириш каби масалалар билан боғлиқ бўлган иқтисодий жараёнлар.

Битирув-малакавий ишининг илмий янгилиги

Битирув-малакавий ишининг илмий янгилигини белгиловчи умумий жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий моҳияти очиб берилди ва уни давлат томонидан тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари таҳлил қилинди;

- кичик бизнес фаолияти бўйича иқтисодиёти ривожланган мамлакатлардаги тажрибасини мамлакатимиз иқтисодиётига қўлланилиши бўйича таклиф тайёрланди;

- миллий иқтисодиётда саноат тармоқларининг тутган ўрнига баҳо берилди ва ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинди;

- саноат корхоналарида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилаётган муаммолар аниқланди;

- ишлаб чиқариш соҳаларидаги тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ошириш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрланди.

Ишнинг таркиби.

Битирув-малакавий иши кириш қисмидан, 2 та боб, хулоса ва
фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Тадбиркорлик фаолиятининг моҳияти ва ривожланиш хусусиятлари

Ҳозирги даврда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишига давлат томонидан катта эътибор қаратилади экан, ушбу секторни ривожланишига замин яратиш, шарт-шароитларни ҳуқуқий асосларни ишлаб чиқиш масаласи устувор вазифалардан биридир. Айниқса бир тизимдан бошқа тизимга ўтиш даврида, жумладан бозор иқтисодиёти даврида давлатнинг роли ҳар томонлама ортиб боради. Давлат бозор муносабатларини ривожлантиришга шарт-шароитлар яратиш, унинг субъектлари фаолиятини таъминлашга имкониятлар беради.

Кичик бизнес, тадбиркорлик ва бозор тушунчалари бир-бири билан узвий боғлангандир. Улар бир-бирисиз мавжуд бўлмайди. Бозор иқтисодиёти бизнес олами сифатида тавсифланади. Бизнес ва тадбиркорлик бир хил тушунчалардир. Бозор иқтисодиётига ва бозор муносабатларига ўтилиши тадбиркорликни юзага келиши ва ривожланишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бугунги кундаги иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш жойларини яратиш орқали аҳолини иш билан бандлик даражасини ошириш, маҳаллий хом ашё ресурсларини қайта ишлашни чуқурлаштириш ва четга хом ашё экспортини қисқартириб, тайёр маҳсулот экспорт қилиш ҳажминини оширишнинг, янги техника ва технологияни иқтисодиётимиздаги корхона ва ташкилотларга кириб келиши орқали самарадорликни ошириш ҳамда мамлакат ялпи ички маҳсулотини ва ялпи миллий даромадни орттиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари муҳим ўринга ва ҳиссага эгадир.

Мамлакатимиз ҳукуматининг ушбу соҳага катта даражада эътибор қаратиши сабабли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириб бормоқда.

Тадбиркорлик кўплаб соҳадаги фаолиятдир. Жумладан, ишлаб чиқариш, хўжалик, тижорат, савдо-сотиқ, воситачилик, инвестиция соҳаларида, маслаҳат бериш, хизмат кўрсатиш ва молиявий фаолиятда тадбиркорлик амалга оширилиши мумкин.

Тадбиркорлик фаолиятининг асосий мақсади фойда олишдир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳар қандай фаолият асосида фойда олиш ётади. Тадбиркорликни бошқа фаолият турларидан фарқ қилишда «фойда олишга йўналтирилган фаолият»нинг ўзигина етарли бўлмайди. Тадбиркорликни қатор ўзига ҳос белгилари мавжуд бўлиб, тадбиркорликни тавсифлашда ушбу белгилардан фойдаланиш лозим деб ҳисоблаймиз. Улар сафига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Мустақил фаолият юритиш. Мустақиллик
- Масъулият
- Таваккалчилик
- Топқирлик
- Ҳаракатчанлик
- Узлуксизлик
- Олдиндан кўра билиш
- Рағбат.

Ушбу белгиларнинг барчасини биргаликда, комплекс равишда тадбиркорлик деб аташ мумкин.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни иқтисодиётда тутган ўрнинини янада орттириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунга қадар мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи йўлида бир-қатор қонунлар ва қарорлар қабул қилинди. Ҳозирги вақтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун иқтисодий ва ҳуқуқий база яратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк химояланишини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг чора тадбирлари тўғрисидаги» Фармони ва шу каби яна қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатимизда тадбиркорлик ривожига шароит яратаётганини кўрсатмоқда.

Ҳар бир тадбиркор юридик ва ижтимоий масъулиятга эгадир. У қатор ҳуқуқларга эга бўлиши билан биргаликда, ўзига хос масъулиятни ҳам ҳис этиши лозим. У қонун-қоидаларни ва меъёрий ҳужжатларни бузмаган ҳолда ўзи оладиган фойда ҳажмини максимал даражада оширишга ҳаракат қилиши лозим. Ушбу нуқтаи назардан олганда тадбиркор иқтисодий мақсадларни кўзламоқда. Шу билан биргаликда у ўз фаолиятининг ўзи яшаётган жамиятга, атроф-муҳитга, инсонларга таъсирини ўрганиши, салбий таъсир томонларини қисқартириши ҳамда ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга ҳисса қўшиши лозим. Тадбиркор ўзига бириктирилган моддий ресурслардан оқилона фойдаланиши ва уларнинг ҳар бир бирлигидан кўпроқ маҳсулотлар ишлаб чиқариши ва хизматлар яратиши керак бўлади. Тадбиркорлар мамлакат иқтисодиётида ҳаракатлантирувчи куч даражасига чиқиб олиши керак ва аста-секин чиқиб олмоқда ҳам. Мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишида катта ҳиссага эга бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши муҳим аҳамиятга эгадир. Шу сабабли иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим устивор йўналиши сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, хусусий мулкчилик тармоғини кенгайтириш, бизнес учун қулай бўлган муҳит яратиш ва унинг кафолатларини мустаҳкамлаш қабул қилинди. Тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш тизимини тубдан соддалаштириш ва тадбиркорлик фаолиятини юритишни янада энгиллаштириш масалалари ҳам давлатимиз эътиборида турибди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-

тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказларининг фаолияти сифати ва самарадорлигини тубдан ошириш, улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар турларини янада кенгайтиришга қаратилган аниқ чоралар белгиланди.

“Бу саъй-ҳаракатлар тадбиркорлик субъектларининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги роли ва аҳамиятини янада оширишга хизмат қилмоқда. Натижада аҳолининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш хоҳиш-истаги ошиб, йилдан-йилга тадбиркорлик субъектларининг сони кўпаймоқда. Тадбиркорлик фаолияти аҳолини иш билан таъминлашда, одамларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишда ҳал қилувчи омиллардан бирига айланди”².

Тадбиркорлик фаолиятини янада ривожланиши учун, авваламбор, тадбиркор ва тадбиркорлик тўғрисидаги назарияларни иқтисодий жиҳатдан талқин қилиш зарурдир.

Тадбиркорлик сўзи ўзбекча тадбир сўзидан келиб чиққан, «бизнес» сўзи эса инглизчасига иш, фаолият деган маънони беради. Тадбиркор қандай тадбирларни амалга оширади ва бу тадбирларни амалга оширишда қандай фаолият кўрсатиши муҳим аҳамият касб этади.

Инглиз иқтисодчи олимлари А. Смит ва Д. Рикардо «Халқлар бойликларининг моҳияти ва сабабларини тадқиқ этиш» китобида А. Смит тадбиркор таърифига алоҳида эътибор берган эди.

А. Смитнинг фикрича, “тадбиркор – капитал эгаси. У муайян тижорат ғоясини амалга ошириб, даромад олиш учун таваккалчилик билан иш бошлайди, чунки капитални бирор-бир ишга сарфлаш доимо таваккалчилик билан боғлиқдир. Тадбиркорликдан олинган даромад, А. Смитнинг фикрича, шахсий таваккалчилик учун олинган мукофот. Тадбиркор ишлаб чиқаришни

². Ўзбекистон Республикаси Президенти “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғрисида”ги Фармони 05.05.2017. 5037-сон.

ўзи режалаштиради, ташкил этади, ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига эгалик қилади. Бу ишлар, ўз навбатида, бозор тизими билан боғлиқ»³.

Инглиз профессори А. Хоскин эса «ишни ўз ҳисобидан олиб борувчи, бизнесни бошқариш билан шахсан шуғулланувчи ва керакли воситалар билан таъминланиш учун шахсий жавобгарликка эга, қарорни мустақил қабул қилувчи шахс якка тартибдаги тадбиркор бўлади»⁴, - деб изоҳлайди.

Машҳур америкалик иқтисодчи Й. Шумпетер (1883-1950) ўзининг «Иқтисодий ривожланиш назарияси»⁵ китобида, тадбиркорни новатор (янгилик бунёд қилувчи одам) деб таърифлаган. Олим тадбиркорлик фаолиятини капиталистик иқтисодиётнинг ривожланишида, иқтисодий ўсишни таъминлашда катта рол ўйнайдиган янгиликларни жорий этишдан иборат, деб билади: «Вазифаси янги комбинацияларни жорий этишдан иборат бўлган хўжалик субъектларини биз тадбиркор деб атаймиз». Ушбу муаммога иқтисодиёт соҳасида Нобель мукофотида сазовор бўлган (1974) инглиз иқтисодчиси Фридрих Фон Хайн (1899-1984) бошқача ёндашган. Унинг фикрича, “тадбиркорлик фаолият бўлмасдан, балки янги иқтисодий имкониятларни излаб топиш, хатти-ҳаракатларни таъминлашдир”⁶. Олим тадбиркорликни фаолият эмас, деб талқин этади.

Америкалик олим Р. Хизрич, «Тадбиркорлик ўз қийматига эга бўлган қандайдир янги нарсани яратиш жараёни, тадбиркор эса бунинг учун барча зарур вақти ва кунини сарфлайдиган, барча молиявий, психологик ва ижтимоий хавф-хатарни ўзига олиб, эвазига мукофот сифатида пул ва эришилган ютуғидан қаноатланувчи шахс»⁷, - деб таъкидлайди.

Мамлакатимиз олимларидан З.Я. Худойбердиев тадбиркорликка шундай таъриф беради:

³ Смит А. Рикардо Д. “Исследование о природе и причинах богатства народов”. М., 1993, с. 46,199.

⁴ Хоскин А. Курс предпринимательства. -М., 1993, с.23.

⁵ Шумпетер Й. Теория экономического развития. -М., 1982, с. 35.

⁶ Хайн Ф. Конкуренция как процедура открытия. «Мировая экономика и международные отношения» журналы, 1989. 12-сон.

⁷ Хизрич Р., Питерс С. Предпринимательство. -М., 1991, с.20.

«Тадбиркорлик кўп ўлчовли ижтимоий - иқтисодий ҳолат бўлиб, унинг асосида иқтисодий мустақил фаолият ётади. У фойда олиш мақсадида амалга оширилади ва барча моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларининг бирлашувидан юзага келади»⁸.

Асосий ҳужжатлардан бири ҳисобланган энциклопедик луғатда тадбиркорлик шундай кўринишда таърифланади:

«Тадбиркорлик - бу ўз номидан, ўз мулкӣ жавобгарлиги доирасида ёки юридик шахс номидан ва юридик масъулият, жавобгарлик асосида фойда ёки шахсий даромад олишни мақсад қилиб амалга ошириладиган мустақил фаолият туридир. Тадбиркор қонун билган манъ қилинмаган барча турдаги хўжалик фаолиятини амалга ошириш мумкин. Жумладан: тижорат воситачилик, савдо, сотиб олиб - сотиш, маҳсулотни етказиб бериш, қимматбаҳо қоғозлар билан солиштиришни ва бошқа фаолият турлари билан шуғулланишлари мумкин»⁹.

Мамлакатимизда қабул қилинган «Тадбиркорлик тўғрисидаги Қонун»га асосан тадбиркорлик – фуқароларнинг фойда ёки шахсий даромад олишга йўналтирилган мустақил, ташаббускор фаолияти бўлиб, у фуқаронинг ўз номидан, ўзининг таваккалчилиги билан ҳамда ўзининг ёки юридик шахснинг (корхонанинг) мулкӣ жавобгарлиги асосида амалга оширилади. Тадбиркор тўла ёки қисман моддий маблағига ёки молиявий ресурсларга эга бўлган фуқаро бўлиб, у ушбу ресурсларни ўз мустақил фаолиятини ташкил қилиш учун ишга солади. Тадбиркор томонидан юзага келган корхона, ташкилот, фирма мамлакатдаги кичик бизнеснинг бир қисмига айланади. Тадбиркорлар фаолиятидаги ҳар бир ютуқ ва самара мамлакат иқтисодиёти ривожига катта ҳисса қўшади.

Юқорида келтирилган тадбиркорлик тўғрисидаги фикрларни жамлаб, таҳлил қилган ҳолда қуйидаги тарифни келтирдик.

⁸ Худойбердиев З.Я. Развитие систем подготовки кадров для сферы предпринимательства Тошкент, 2002 йил. с.25.

⁹ Тадбиркорликнинг энциклопедик луғати. (тузувчи. С.М.Синельников ва бошқалар. СПб. «Алта-фонд», «Аякс», 2004 йил. 32-бет.

Тадбиркорлик – бу ички ва ташқи хавф хатарлар бўлишига қарамасдан бозор эҳтиёжлари сифатини маҳсулотлар ва хизматлар билан тўлдириш ҳамда қондиришга олиб боровчи алоҳида фаолият туридир. Бундай фаолият натижасида фойда олинади. Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолияти деганда фуқароларнинг ўз таваккалчиликлари ва мулкӣ жавобгарликлари доирасида фойда олишга йўналтирилган мустақил фаолиятлари тушунилади. Улар ўз мулкларини ва капиталларини маълум даражада хатарли бўлган ҳамда таваккалга асосланган ҳолда фаолиятга сарфлайдилар ва фойда олишни кўзлайдилар. Шу билан биргаликда, улар одамларни иш билан таъминлаб, мамлакатнинг ялпи миллий маҳсулотини оширишга, иқтисодий салоҳиятни юксалтиришга маълум даражада ҳисса қўшадилар.

Тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши иқтисодий муваффақиятга эришишда юқори даражада таъсир кучига эга бўлиб, ишлаб чиқаришнинг юқори суръатларини таъминлайди.

Тадбиркорлик орқали янгиликлар яратилиши ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиши тезлашади. Уларнинг сони ва фаолияти тури кўпайиб борган сари иқтисодиёт ривожини сезиларли даражада олға силжийди. Мамлакатдаги тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши орқали янги, истиқболли ишлаб чиқаришлар ривожланиб боради, анъанавий ишлаб чиқаришлар эса такомиллашиб боради. У орқали иқтисодиётда маркетинг фаолияти самарали тус олади, рақобат кураши ривожланади ва такомиллашиб боради, мамлакатга капитал кириши ва чиқиши ривожланади. Тадбиркорлик мувофиқлашув механизмларини яратади, бозор ва рақобат орқали ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишга эришилади, хўжалик юритиш механизмлари ўртасидаги алоқалар такомиллашишига эришилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик катта ҳажмдаги бошлангич инвестициясиз фаолият кўрсатиб, иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштиришга ва бу борадаги масала ва муаммоларнинг ечимини топишга, бозорни истеъмол буюмлари билан тўлдиришга олиб боради. Энг

аҳамиятли томони шундаки, ушбу самарали ишлар молиявий ресурслар чекланган шароитда амалга оширилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бозор иқтисодиёти учун ҳаракат ҳисобланган рақобат муҳитини юзага келтиради. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодиёт ислохотлар жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг самарасини ошириш учун уларнинг ва улар фаолияти учун асос ҳисобланган мулкчиликнинг назарий асосларини ўрганиш муҳимдир. Мамлакат иқтисодиётининг ушбу соҳасининг ривожланишини рағбатлантириш ва такомиллаштириш учун ҳам назорат йўналишларини ўрганиш ва таҳлил қилиш лозим.

1.2. Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари

Тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий-меъёрий базасини яратиш тадбиркорларнинг иқтисодий эркинлигини таъминлаш ҳамда уларнинг қонуний бизнес билан шуғулланишларига имкон берувчи ҳуқуқлари ва имтиёзларини кафолатлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Айни вақтда қонуний-меъёрий ҳужжатлар билан кичик тадбиркорлик субъектларининг бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлар, ҳамкорлар, истеъмолчилар ҳамда турли даражадаги давлат органлари олдидаги мажбуриятлари, бу мажбуриятларнинг тўлиқ ва ўз муддатида бажарилиши юзасидан жавобгарлиги белгилаб берилган. Ҳуқуқий базани шакллантириш кичик тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишдан тортиб, улар фаолиятининг айрим жиҳатларини лицензиялаш ёки тугатишгача бўлган барча соҳаларда уларнинг ривожланишига тўсиқ бўлаётган муаммоларни ечишга ёрдам беради.

Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш борасида мустаҳкам ҳуқуқий-меъёрий асос яратилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Фуқаролик Кодекси”, “Солиқ Кодекси”, “Тадбиркорлик

фаоляти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги ва бошқа бир қатор қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда бошқа меърий ҳужжатлар республикада тадбиркорлик фаолятининг турли жиҳатларини тартибга солиб туради.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаоляти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунда фуқароларнинг тадбиркорлик фаолятида эркин иштирок этиши ва ундан манфаатдорлиги учун кафолатлар ва шароитлар яратиш, уларнинг ишчанлик фаолятини ошириш ҳамда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чоралари белгилаб берилган. Ушбу қонуннинг асосий вазифалари фуқароларнинг тадбиркорлик фаолятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлиги учун кафолатлар ҳамда шароитлар яратишдан, уларнинг ишчанлик фаоллигини оширишдан, шунингдек, тадбиркорлик фаоляти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Ушбу қонуннинг 18-моддасида “Давлат иқтисодий фаолят, тадбиркорлик эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир”, - деб кўрсатилган. Хусусан, қонунда давлат томонидан тадбиркорлик фаоляти эркинлиги ва мулк ҳуқуқига оид қуйидаги кафолатлар белгилаб берилган:

- тадбиркорлик фаоляти субъектларининг ўз мақсулоти (ишлари, хизматлари) ва даромадларини (фойдани) тасарруф этиш эркинлиги кафолатлари;
- тадбиркорлик фаоляти субъектларининг ташқи иқтисодий фаоляти эркинлиги кафолатлари;
- тадбиркорлик фаоляти субъектларининг мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлари кафолатлари;
- кредит ресурсларидан эркин фойдаланиш ва ахборот олиш эркинлиги;

- национализация, мусодара ва реквизиция қилинишдан кафолатлар;
- тадбиркорлик фаолиятига аралашмаслик, текширишларнинг чекланиши;
- уларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ва бошқа кафолатлари ҳамда ҳимоя қилиш чоралари ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида кичик тадбиркорлик учун белгиланган кафолатлар ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича кенг имкониятлар яратилган .

Мамлакатимизда тадбиркорликни иқтисодий-молиявий, ташкилий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор ислохотлар олиб борилди. Жумладан:

1) Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида (янги таҳрири)»ги Қонуни;

2) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк ҳимояланишини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг чора тадбирлари тўғрисида»ги Фармони;

3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.10.2016 йилдаги ПФ-4848-сон «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони;

4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.03.2017 йилдаги ПҚ-2844-сон «Тадбиркорлик субъектлари ва кенг аҳоли қатламига микрокредитлар ажратиш тизимини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори;

5) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.02.2017 йилдаги ПҚ-2749-сон «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори;

6) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.02.2017 йилдаги ПҚ-2750-сон «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори;

7) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.01.2017 йилдаги ПҚ-2746-сон «Кичик ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш тизимини янада кенгайтириш ва соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори;

8) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.05.2017 йилдаги ПФ-5037-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғрисида»ги Фармони шулар жумласидандир.


Ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниш мамлакатимизда тадбиркорлик ривожига шароит яратаётганини кўрсатмоқда.

Биргина, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонда энг аввало, хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратишга ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, республиканинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга йўналтирилган ва ушбу соҳада давлат сиёсатининг сифат жиҳатидан янги даражага ўтишидан далолат беради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг энг кўп тарқалган ташкилий-ҳуқуқий шаклларида бири хусусий тадбиркорликдир. Хусусий тадбиркорлик фаолияти ёлланма ишчи кучи ёрдамида олиб борилади. Хусусий тадбиркорлик билан биргаликда ширкат тадбиркорлиги ҳам олиб борилади. Ширкат тадбиркорлиги фуқаролар гуруҳи томонидан олиб борилади.

Якка тартибдаги тадбиркорлик алоҳида шахс томонидан тузилади ва уни ўзи томонидан олиб борилади.

Бу шаклларнинг бирлашмасидан аралаш тадбиркорлик юзага келади. Аралаш тадбиркорлик юридик шахс ҳамда фуқаролар томонидан мол-мулкни ўртага ташлаш йўли билан олиб борилади.



1.2.2-расм. Тадбиркорлик фаолиятининг шакллари.

Манба:Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Ғафуров. "Иқтисодиёт назарияси" (дарслик). Т.:Фан ва технология, 2005 й. 310-бет.

Якка тартибдаги меҳнат фаолиятидан ташқари қолган барча шаклларда иш бошлаш учун корхоналар тузиш лозим бўлади.

Якка тартибдаги тадбиркорликда тадбиркор бутун даромадни ва бизнеснинг бутун таваккалчилигини тўла ўз зиммасига олувчи бир киши ёки оиладир. Бундай тадбиркорлик бизнеснинг энг оддий шаклларида бири ҳисобланади. Бундай тадбиркорлик айниқса савдода, маслаҳат-йўриқчилик бизнесида, овқатлантириш соҳасида кенг тарқалгандир. Якка тартибдаги тадбиркорлик қатор афзалликларга эга. Якка тартибдаги тадбиркорликда ҳар қандай масала якка тартибда ҳал қилинади. Бундай фаолиятда қарор қабул қилишда юқори ташкилотга ёки ўзаро ҳамкорликка мурожаат қилинмайди. Тадбиркорларни ишга қизиқтирувчи жиҳатларнинг кўплигидир. Фаолиятдан

олинадиган даромадларнинг ҳаммаси бир кишига, яъни корхона эгасига тегишли бўлади. У тинимсиз ишлашдан, ишнинг боришини изчил назорат қилиб боришдан, қарорларни эҳтиёткорона қабул қилиш ва иш операциялари миқёсини иложи борица кенгайтиришдан кучли манфаатдордир. У кўпроқ ишлашга рағбатланади. Фаолият самарадорлигини таъминловчи махсус йўл-йўриқлар, кўрсатмалар, ишни ташкил этишнинг қандайдир янги йўналишлари, техника ва технологиядаги янгиликлар якка тадбиркорнинг асосий бойлиги ҳисобланади. Унда ушбу янгиликлар сирлигича қолиши мумкин, уларни махфий сақлаш имконияти бор. Тадбиркорликнинг бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклига ўтиш нисбатан енгил кўчади, чунки қарорни тадбиркорнинг ўзи ҳал қилади.

Тадбиркорлик фаолиятини олиб боришда якка тартибдаги тадбиркорликда баъзи ҳолларда маблағ масаласида қийналиб қоладилар. Йирик лойиҳаларни амалга ошириш, модернизациялаш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, фан-техника тараққиёти натижалари жорий этиш кўп маблағ талаб қилади. Бундай ҳолларда якка тартибдаги тадбиркорлар ўзларининг мол-мулкларини, капиталларини кўшиб, ўзаро бирлашадилар, Натижада ширкатлар, корпорациялар пайдо бўлади.

Ширкатнинг икки асосий тури мавжуд:

1. Масъулияти чегараланмаган(оддий ширкат).
2. Масъулияти чегараланган ширкат.

Масъулияти чегараланмаган оддий ширкат икки ёки ундан ортиқ кишиларнинг шерикчилик асосида бизнес билан шуғулланиш учун бирлашишларидир. Кўпчилик оддий ширкатлар икки ёки уч нафар тадбиркорлардан иборатдир. Ширкат аъзолари даромадни ўзлари хоҳлаган усулда бўлишлари мумкин. Ширкатнинг барча аъзолари бир хил маблағ - ҳисса қўшишлари ҳам шарт эмас. Ўзаро келишув асосида қўшилаётган ҳисса ҳам, олинадиган улуш ҳам белгилаб олинади. Ширкатлар ҳам якка эгалик корхоналари сингари савдода, қишлоқ хўжалигида, хизмат кўрсатиш

соҳасида, молия ва бошқа соҳаларда кўпроқ ташкил этилмоқда. Ширкатларнинг ҳуқуқий асоси унинг аъзолари ўртасида тузилган битим ҳисобланади. Ушбу битимда ҳар бир ходимнинг ваколатлари, битим муддати, қўшилган маблағлар ва олинадиган улушлар, амалга оширилиши лозим бўлган молиявий ишлар тартиби ҳақида баёнот, янги ҳамкорлар қабул қилиш, тузиш ва тугатиш тартиблари келтирилган бўлади.

Бундай тадбиркорлик шакли молиявий жиҳатдан кучли бўлади. Уларда ҳаракат эркинлиги мавжуд, ишларни тезкорлик билан амалга ошириш имконияти мавжуд.

Оддий ширкатда менежерлар қўшимча имкониятларга эгадирлар. Ширкатга одатда бир-бирини тўлдира оладиган қобилиятли ва тажрибали ишбилармонлар бирлашадилар, бу менежерлик вазифаларини ўзаро тақсимлаш имконини беради.

Оддий ширкат ҳам баъзи бир камчиликларга эга бўлиб, улар қуйидагилардир:

1. Ҳамкорлик масъулиятининг чегараланганлиги. Агар ширкат муваффақиятсизликка учраса ҳамкорларнинг ҳар бири ўзи қўшган маблағга мувофиқ зарар кўради. Бироқ ҳамкорлардан биронтаси ўз ҳиссасига тушган зарарни тўлай олмаса, бошқа ҳамкорлар унинг қарзини ҳам ўз ҳисобларидан тўлашлари керак.

2. Ўзаро ишончсизлик пайдо бўлиши хавфи бор. Бирон-бир тадбиркорнинг хатоси барча аъзоларга таъсир қилиши мумкин.

3. Тажрибанинг етишмаслиги. Тадбиркорлардан бирини жамоадан чиқиши, касал бўлиб қолиши ёки бошқа сабаблар ширкатнинг тарқаб кетишига сабаб бўлади.

Тадбиркорликнинг яна бир шакли ҳисобланган масъулияти чегараланган ширкат масъулияти қўшган маблағлари доирасида чегараланган бир ёки бир неча ҳамкор қатнашиши мумкин. Ҳамкор сифатида нафақат якка ишбилармонлар балки, корпорациялар ҳам қатнашишлари мумкин. Улар

ўртасида битим тузилади ва битимда ким асосий ҳамкор, ким масъулияти чегараланган ҳамкор эканлиги аниқ кўрсатилади.

Масъулияти чегараланган ҳамкорликнинг асосий афзаллиги шундаки, у капитал маблағ сарфловчи ишбилармон учун қулайдир. Улар ишга пул қўшадилар, лекин корхона менежерлигида катнашишдек серташвиш ишдан озод бўладилар. Мабодо ширкат омадсизликка учраса улар ўзлари қўшган капитал маблағларинигина бой берадилар. Даромад келаверса, улар ҳам ўзларига тегишли фоизни олаверадилар. Бундай ширкатчиликни баъзи бир ҳолларда коммандит ширкатчилиги деб аталади. Жамоадаги тўла жавобгар шахслар, ҳақиқий аъзолар, чекланган жавобгар омонатчи – аъзо ёки коммандитлар деб аталадилар.

Кичик бизнес фаолиятини олиб боришда бугунги кунда жамоа корхоналарини ташкил этиш кенг тарқалмоқда. Жамоа корхонаси – бу шундай хўжалик шаклики, унда барча мулк ва олинадиган фойда унинг меҳнат жамоасига тегишли бўлади. Жамоа корхоналарини ташкил қилиш йўналишларидан асосийси – мулкни сотиб олишдир. Жамоа корхонаси қуйидаги усуллар билан амалга оширилиши мумкин:

1. Ўз хомийларига акция сотиш йўли билан.
2. Шахсий омонатларни бирлаштириш йўли билан.
3. Ижарага олиш йўли билан.
4. Банкдан ёки бошқа корхонадан кредит олиш йўли билан.

Кичик бизнеснинг жамоа корхонаси шаклидаги усулида тўла мустақилликка эга бўлиб, у бегоналарнинг аралашувисиз ўзи ишлаб чиқарган ва сотадиган маҳсулотига, бажарадиган ишига ва кўрсатадиган хизматига бўлган талаб асосида ўз фаолиятини режалаштиради, келажак тараққиётини ҳамда корхонанинг ишлаб чиқаришини, ижтимоий ривожланишини ўзида, меҳнат қилувчиларнинг шахсий даромадини қандай оширишни ўзи мустақил равишда белгилайди. Жамоа корхонаси ҳар бир ишловчисининг шахсий ҳиссаси (улуши) унинг бажарадиган меҳнатига қараб белгиланади.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида хиссадорлик жамиятлари шаклидаги кичик бизнес корхоналари кўпайиб кетди. Ҳиссадорлик жамияти – бу жисмоний шахслар капиталларининг бирлашуви бўлиб, у акциялар чиқариш йўли билан бунёд этилади. Акциялар муомалада бўлади – бир шахсдан иккинчисига эркин ўтади ва акциядор учун унинг ҳиссаси ҳақидаги ҳужжат ҳисобланади. Кичик бизнеснинг ҳиссадорлик жамияти шаклида хиссадорлар олдидаги мажбурияти, акция учун қўядиган пул миқдори, яъни жамоат капиталига киритилган ҳиссаси билан чекланади.

Ҳиссадорлик жамиятининг акциялари очиқ ёки обуна бўлиш йўли билан сотилса, қимматбаҳо қоғозлар бозорида қонундан ташқари ҳеч ким томонидан чекланмаса эркин савдо-сотиқ қилинса – очиқ ҳиссадорлик жамияти деб аталади. Ҳиссадорлик жамиятлар акцияларининг қимматбаҳо қоғозлар бозорида муомалада бўлиши жамият низомига биноан маън этилган ёки чекланган бўлса ва у, фақат номланган(эгаси ёзилган) акциялар чиқарса – ёпиқ ҳиссадорлик жамияти деб аталади.

Кичик бизнеснинг яна бир кенг тарқалган ташкилий-ҳуқуқий шаклларида бири фирмалардир. Фирма – товар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш мақсадида иқтисодий ресурсларни ишлатувчи ташкилотдир. Кичик бизнесда фирмалар одатда юқори технологик ишлаб чиқаришни бунёд этиш билан банд. Улар ўзларига хос хўжалик юритиш услубларидан фойдаланадилар.

Кичик бизнеснинг яна бир ташкилий-ҳуқуқий шакли корпорациялардир. Корпорация – бу умумий касбий ёки табақавий манфаатлари асосида бирлашган шахслар жамияти, уюшмаси ёки гуруҳидир. Тижорат корпорациялар ҳиссадорлик жамиятлари каби очиқ ёки ёпиқ турларга бўлинадилар. Очиқ корпорацияда қўшимча капитални жалб этиш учун акциялар эркин сотилади. Барча йирик корпорациялар очиқ бўладилар. Уларда бозор конъюнктураси ўрганилади, ҳаракат стратегияси аниқланади, илмий-техникавий тараққиёт дастурларини амалга ошириш орқали эришилган Фан-техника тараққиёти натижаларини ишлаб чиқаришга татбиқ

килиш амалга оширилади. Модернизациялаш, ишлаб чиқаришни техник-технологик янгилаш бу каби шаклларда нисбатан осон амалга оширилади.

Юқорида келтирилган шакллардан ташқари яна холдинг компаниялари ҳам мавжуд бўлиб, улар – мулк эгалари томонидан бир қанча мустақил хиссадорлик жамиятлари фаолиятини назорат қилиш мақсадида бунёд этилган жамиятдир. Холдинга бирлашган корхоналар, одатда шўъба корхоналар деб аталади. Холдинг ёки холдинг компаниялари ўзларининг шўъба корхоналари акцияларининг назорат пакетларини ўзида жамлаш йўли билан молия капиталини тўплайди. Акциялардан олинadиган дивидентлар уларнинг асосий даромадлари ҳисобланади.

Холдинг компаниялари йирик корхоналарни қайта ташкил қилишда уларнинг таркибий бўлинмаларини мустақил юридик шахс сифатида бунёд этиш йўли билан ҳамда юридик жиҳатдан мустақил корхоналарнинг акция пакетларини бирлаштириш йўли билан ташкил этилиши мумкин. Уларни янги хиссадорлик жамиятлари таъсис этиш йўли билан ҳам ташкил этиш мумкин.

Кичик бизнес фаолиятида унинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини танлашда тадбиркорлар ўзларига мақбул бўлган шаклни танлайдилар. Бунда уларнинг ҳолати, молиявий маблағлари, олдиларига қўйган мақсад ва вазифалари ҳисобга олинади.

1.3. Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш ва ривожлантиришда хорижий давлатлар тажрибалари

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда, яъни Америка Қўшма Штатлари, Япония, Германия, Франция, Англия ва бошқа мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўтган асрнинг 60-70 йилларидан бошлаб кескин ривожланди. У аста-секинлик билан бу мамлакатлар иқтисодиётида ўзининг улушига эга бўла бошлади ва бугунги кунга келиб ялпи ички маҳсулотда катта ҳиссага эга бўлиб қолди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мустақиллик йилларида ўз ривожланишини бошлади. Унинг янада жадал суръатларда ривожланиши учун ҳамда унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш учун кичик бизнес бўйича жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида тўпланган тажрибаларни ўрганиш ва унинг ижобий томонларини ўзимизда қўллаш лозим. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бўйича фаолият чет мамлакатларда биздан кўра олдинроқ бошланган ва бу йўналишда уларда катта тажриба тўпланган.

Ўтган асрнинг 70-80 йилларидан бошлаб то бугунги кунга қадар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик гуллаб-яшнади, юқори даражада ривожланди ва ҳозирги вақтда ҳам ўз ўрнини мустаҳкамлаб келмоқда. Фирмаларнинг умумий сониди кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари салмоғи Германияда 95 фоиз, Европа Иттифоқи мамлакатларида 63,0-67,0 фоиз, Италияда – 57,0-60,0 фоиз, Буюк Британияда – 50,0-53,0 фоиз, АҚШда – 50,0-52,0 фоиз, Ўзбекистонда -56-60 фоиз, Японияда 99,7 фоизга тўғри келади, ушбу соҳада ёлланган ишчиларнинг 45-47 фоизи банд, чунки тараққий топган мамлакатларда тадбиркорлик хўжалик юритишнинг алоҳида ва илғор усули ҳисобланади¹⁰. Унинг асосида доимий равишда янги имкониятларни излаш, қўйилган масалани ечиш учун ҳар хил ресурслар манбаларини излаб топиш, жалб қилиш ва ишлатиш ётади. Ғарб давлатларида ишбилармонлик, тадбиркорлик ҳаракатчанлик, «ташаббускорлик», жасурлик каби тушунчалар билан бир хил маънода ишлатилади.

Ривожланишнинг бугунги даражасида ривожланган мамлакатлар тажрибаси, улардаги ривожланиш даражаси кичик бизнес ва йирик корхоналарнинг тутган ўрни билан белгиланади. Турли тармоқлар ўртасидаги муносабатларни сақлаб турган ҳолда, иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси аста-секинлик билан йирик корхоналар ривожига қараганда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига ўтиб

¹⁰ <http://Russian.doingbusiness.org/data/exploreeconomies/uzbekistan>.

бораётганлигини кузатиш мумкин. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали ҳар қандай мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш мумкин. Ҳозирги вақтдаги фан-техника тараққиёти принципиал характердаги ўзгаришлар билан асосланади. Давлатнинг моддий, техникавий ва молиявий имкониятларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти ривожланишга йўналтириш лозимлигини вақт кўрсатмоқда.


Мамлакатдаги йирик бизнес ва давлатга қарашли бўлган ишлаб чиқаришга қараганда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари катта афзалликларга эга. Улар йирик дастлабки капитал талаб қилмайдилар, бозор иқтисодиётига мосланувчан бўладилар, бозордаги ҳар қандай ўзгаришни дастлаб сезадилар ва унга тезда мослашадилар. У йирик корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлай олмайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда юқори даражада самарадорликка эришиш имкониятига эга. Ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятида ҳам бир қатор афзалликларга эга.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг яна бир муҳим афзаллиги уларнинг нисбатан кам миқдордаги капитал сифимидир ва янги корхоналарни нисбатан қисқа муддатларда барпо этиш имкониятидир. Ушбу афзалликлар туфайли барча ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка катта эътибор берилмоқда ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилинмоқда.

Ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўз ривожига тўхтаб қолмайди, у ҳамма вақт ривожланишда бўлмоқда, чунки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланган мамлакатларда ҳамма вақт қўллаб-қувватланмоқда. Кўпчилик ривожланган мамлакатларда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қатор ташкилотлар мавжуд. Масалан, АҚШ да – кичик бизнес Маъмурияти, Японияда - кичик ва ўрта бизнес бошқармаси, Францияда - кичик бизнес ва ўрта саноат Давлат котибияти, Буюк Британияда - кичик тадбиркорлардаги аҳволни ўрганиш бўйича Қўмита

фаолият кўрсатмоқда. Ушбу мамлакатлардаги бу ташкилотлар фаолиятининг асосий йўналишлари куйидагилардан иборатдир (1.3.1-расм):

1. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига молиявий ёрдам кўрсатиш.
2. Давлат шартнома тизимида уларга маълум даражада ҳисса ажратиш.
3. Корхоналардаги ташкил этиш ва бошқариш ишларида уларга маслаҳат кўрсатиш.



1.3.1-расм. Хориж мамлакатларида кичик бизнес корхоналари фаолиятининг асосий йўналишлар

Манба: www.doingbusiness.org

Японияда мамлакат ҳокимияти ва маҳаллий органлар янги корхоналарни ташкил этиш ва қўллаб-қувватлашни назарда тутди. Улар кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига қонунчилик, молиявий – кредит ва солиқ бўйича тадбирлар учун ташкилий қайта қуришларни амалга оширишни талаб этадилар. Японияда 500 дан ортиқ савдо-саноат палаталари ва уларнинг филиаллари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига молиявий, ташкилий, маслаҳат ҳамда таълим бўйича ёрдам бермоқдалар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари, бозор конъюктурасининг ўзгариши, ҳамкорларни тўлов қобилиятларининг йўқлиги ёки фавқулотда ҳолатлар ва фикрлар натижасида юз берадиган ҳолатларга нисбатан ўта сезгир бўладилар. Шу сабабли, уларни суғурталаш тизими фаолияти кўрсатмоқда, юқоридаги ва бошқа табиий ҳолатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини суғурталаш амалга оширилмоқда.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик кенг миқёсда ривожланиб бораётган мамлакатлар ичида Америка Қўшма Штатлари алоҳида ўринга эга. Америка Қўшма Штатларида кичик бизнес фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун йўналтириладиган давлат бюджети маблағлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар берувчи тижорат банкларига кафолат ўрнини қоплаш мақсадида амалга оширилади. Кичик фирмаларнинг бутун мамлакат савдо муомаласидаги молиявий ҳиссаси 42 фоиз бўлиб, АҚШнинг ялпи маҳсулотидagi ҳиссаси 38 фоизга тенг бўлган. Бундай кичик фирмалар сони ҳар йили 10 фоизга ўсиб бормоқда¹¹.

Америкадаги йирик фирмалар, компаниялар ва корпорациялар ўз фаолиятларини амалга ошириш учун минглаб кичик бизнес субъектлари билан шартномалар тузмоқдалар. «Вестерн электрик» компанияси ҳар йили 40 мингдан ортиқ фирманинг товар ва хизматларидан фойдаланади, 120 минг компаниядан нархлар тўғрисида маълумот олиб туради. «Женерал электрик» компанияси эса 90 фоизи кичик фирмалар бўлган 45 мингта субпудратчи фирмалар билан алоқада бўлган.

Ҳозирги вақтда кичик фирмалар Америка иқтисодиётида ўз улушларини орттириб бормоқдалар. Ҳатто илмий тармоқларда ҳам кичик фирмалар ривожланиб бормоқда. Кўпгина илмий тармоқларда айнан ихтисослашган кичик фирмалар кўпчиликни ташкил қилади.

Америка Қўшма Штатларида 19 миллиондан ортиқ турли даражадаги фирмаларнинг 90 фоизидан ортиғи кичик бизнес фирмаларидир. Ушбу фирмаларга кредитлар бериш ва кафолатланган воситалар беришни 1953 йил

¹¹ www.doingbusiness.org

Конгресс томонидан ташкил этилган кичик бизнес ишлари бўйича Маъмурият амалга оширади. Ушбу Маъмурият федерал бюджет воситалари ҳисобидан молиялаштирилади. АҚШ да кичик бизнесни субсидиялаш учун ажратиладиган давлат бюджети воситалари унчалик катта эмас. Улар кичик бизнес субъектларига кредит берувчи тижорат банклари кафолатини таъминлаш учун ўрнини қоплаш учун берилади. Бу банклар тадбиркорларга жуда паст даражадаги фоизлар билан кредитлар берадилар. Ушбу имтиёзли кредитлар тадбиркорларга ўз фаолиятини ташкил этиш ва кенгайтириш учун берилади. Хатто, ишлаб чиқаришни техникавий қайта қуришда ҳам шундай имтиёзли кредитлар берилади. Кичик бизнесга 600 та махсус банклардан иборат махсус тармоқ хизмат қилади.

АҚШда кичик бизнес субъектларининг 95 фоизида хизматчилар сони 20 нафардан ортмайди. 1953 йили АҚШда майда бизнес тўғрисида Қонун қабул қилинган. 1958 йили унга майда бизнес миқёсларини аниқ чегараловчи ўзгартириш киритилди. Бу кичик фирмаларнинг бошқа турдаги фирма ва ташкилотларга қараганда анча фарқ қилувчи шароитларда кредитлар олиши учун зарур эди. АҚШда қабул қилинган Қонунда ёзилишича – кичик фирма – бу мустақил яшовчи ва фаолият кўрсатувчи шундай корхонаки, унинг эгаси бошқаларга қарам эмас ва фирма ўз бизнеси соҳасида ўта ҳукмронлик даъво қилмайди. Қонунда ишбилармонликнинг конкрет соҳалари учун мезонлар ҳам белгиланган. Масалан, саноат корхонаси унда ишловчилар сони 250-1500 киши бўлсагина кичик фирма ҳисобланади¹².

Англияда кичик бизнес корхоналарини қўллаб-қувватлаш учун учта ҳукуматга қарашли дастур мавжуддир, Жанубий Кореяда эса кичик бизнес корхоналари учун информацион тармоқларни яратиш ва маълумотлар базасини яратишнинг беш йиллик дастури ишлаб чиқарилган ва амалга оширилмоқда.

Иқтисодиётнинг ривожланишида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари катта аҳамият касб этмоқда, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли

¹² www.doingbusiness.org

бандлигини ошириш, бозорни янги ва зарур маҳсулотлар билан тўлдиришда унинг ўрни ва аҳамияти каттадир. Шу сабабли ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётда етакчи ўрин эгалламоқда. Уларнинг кўп йиллик тажрибалари асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг самарали усул ва шакллари танлаш мумкин. Ривожланган мамлакатлар томонидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий асослари мавжуддир.

Туркияда ҳам кичик бизнесга катта эътибор қаратилмоқда. Кичик бизнес мамлакат иқтисодиётидаги ўз мақеини мустаҳкамламоқда. Туркия Давлат статистика институти маълумотларига қараганда жорий 10 йилликда кичик бизнесда (иш ўрни 10 киши ва ундан кам бўлган корхоналарда) 180 минг иш ўрни мавжуддир. Йирик ҳисобланган корхоналарда (10 кишидан ортиқ киши меҳнат қиладиган) 9 минг иш ўрни мавжуддир.

Туркияда кичик бизнес корхоналари асосан хусусий мулк шаклида бўлиб, улар мустақил равишда фаолият кўрсатадилар, хўжалик мустақиллигига эга бўладилар. Улар ўзлари фаолият юргизаётган соҳаларда ҳал қилувчи овозга даъво қилмайдилар. Уларда ишнинг махсус мезони сифатида қўшимча қиймат, активлар қиймати, йиллик маҳсулот сотуви ҳажми, ходимлар сони сингари кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Кўплаб иқтисодчилар фикри бўйича 50 кишигача меҳнат қиладиган корхоналарни кичик корхонага мансуб деб ҳисоблаш мумкин, 500 ва ундан ортиқ киши меҳнат қиладиган корхоналарни йирик корхоналарга мансуб деб ҳисоблаш мумкин.

Ушбу шартли гурухлаш тартиби билан таҳлил қиладиган бўлсак, Туркия саноатидаги корхоналарнинг учдан икки қисми кичик бизнес корхоналаридир. Ушбу кичик бизнес корхоналарининг асосий қисми озиқ-овқат, тўқимачилик, пойафзал, мебелсозлик саноатларига тўғри келади.

Кичик бизнес корхоналари бозордаги ўзгаришларга тезда мослашадилар. Кичик бизнес корхоналарида янги техника ва технологияни жорий қилиш муддати қисқа, шу билан биргаликда кичик бизнес

корхоналарида янгиликка ўчроқ бўладилар. Кичик бизнес корхоналарининг раҳбарлари ишбилармон, ғайратчан бўладилар.

Туркиядаги кўплаб кичик бизнес корхоналари юқори технологияли ишлаб чиқаришларда бандлар. Бу соҳада фаолият юритиш жуда катта таваккалчилик талаб қилади. Шу сабабли йирик корхоналар бу соҳага камроқ эътибор берадилар. Иккинчидан, янги технология ва техник ишланмалар устида ишловчи мутахассислар ўз ишларини мустақил равишда амалга оширишни хоҳловчи кишилардир. Шунинг учун улар ушбу соҳада ўз фаолиятларини олиб борадилар.

Бозор иқтисодиётида ўтиб бораётган давлатлар иқтисодиётининг тезроқ номарказлашувини амалга ошириш ва бозор муносабатларини тезроқ жорий қилиш зарурияти ривожланиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу давлатлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга интиладилар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий асоси иқтисодий ўсишни таъминлаш ва жадаллаштириш, инвестицияларни жалб қилиш, янги иш жойларини яратиш, меҳнат унумдорлигини муттасил равишда орттириб бориш, модернизациялаш ва техник-технологик янгилашни амалга ошириш, фан-техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, солиқ фаолиятини такомиллаштириш билан асосланади.

Жаҳондаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги яна бир муҳим муаммо – бу тадбиркорларда молиявий ресурсларнинг етишмовчилиги ва молиявий ресурсларни жалб этишдаги қийинчиликлардир. Шу сабабли, ҳозирги вақтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш масаласи жуда долзарб масала сифатида майдонга чиқмоқда.

Буюк Британияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштиришда хусусий шахсларнинг жамғармаларидан ҳамда банк кредитларидан фойдаланилади. Буюк Британиядаги давлат сиёсати кичик

бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредит билан таъминловчи тижорат банклари манфаатдорлигини оширишга йўналтирилган. Давлат бундай банкларни рағбатлантириш билан биргаликда кичик бизнесни молиявий жихатдан таъминлаш бўйича қатор мақсадли дастурларни амалга оширмоқда. Бу мамлакатда ташкил этилган «кредитлар кафолатлари» дастури бўйича кўплаб самарали фаолият юритаётган тадбиркорларга суғўрта мукофотлари тўланмоқда. Буюк Британияда кичик бизнесни молиялаштиришни амалга ошираётган махсус фирмалар мавжуддир.

Японияда вазирликларнинг йиллик сметаларида ҳар йили махсус моддада кичик бизнес корхоналари учун молиявий ресурслар ажратилади. Шу билан биргаликда, бу ерда имтиёзли солиққа тортиш йўлга қўйилган. 500 та маҳаллий савдо-саноат палаталари ва уларнинг филиаллари кичик бизнесга турли молиявий ёрдам бермоқда, маҳсулотлар бермоқда ва таълим бўйича кўмаклашилмоқда.

Францияда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка катта ёрдам бериш йўлга қўйилган, 1996 йил махсус кичик бизнес корхоналарини ривожлантириш банки ташкил этилган. Бу банк кичик бизнес корхоналарига фоизсиз ссудалар беради, баъзи ҳолларда эса ўттиз минг франкгача бўлган миқдорда ссудалар ҳам бермоқда. Ўз бизнесини ташкил қилмоқчи бўлган ишсизларга ишсизлик бўйича моддий ёрдамни 6 ойлик миқдоридаги сумма бирданига берилади.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг тарихий 25 йиллик мустақиллик даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган давлат дастурлари асосида ишбилармонларнинг фаолиятини қонуний амалга оширишга катта имкониятлар яратди. Мунтазам равишда аҳолининг ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий саводхонлигини ошириб борди.

Хориж тажрибасидан келиб чиқиб, мустақиллик йилларида мамлакатимизда хусусий секторда меҳнат унумдорлиги ва даромадларни ошириш учун рағбатлантирувчи кучли механизм яратилди.

Тадқиқот ва кузатувларимиз шундан далолат берадики, КБХТ миллий иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда ижобий натижаларга эга.

1.3.1-жадвал.

Ўзбекистоннинг бизнесни юритиш бўйича рейтинг кўрсаткичлари динамикаси¹³

Соҳалар	2014 йил рейтинг кўрсаткичи	2015 йил рейтинг кўрсаткичи	2016 йил рейтинг кўрсаткичи
Бизнесни очиш	60	65	42
Хусусий мулкни рўйхатдан ўтказиш	146	143	87
Кредитлар олиш	99	104	42
Солиқ солиш	179	118	115
Шартномалар ижросини таъминлаш	29	28	35
Тўлов қобилияти қизлигини ҳал қилиш	72	77	75
Миноритар инвесторларни ҳимоя қилиш	118	100	88
Электр таъминоти тармоғига уланиш	148	145	112
Қурилишга рухсатномалар олиш	147	149	151
Халқаро савдо	189	189	159

“Янги бизнесни қўллаб-қувватлаш” деб аталадиган мезон бўйича мамлакатимиз айти пайтда жаҳонда 42-ўринни, “Тузилган шартномалар ижросини таъминлаш” бўйича 35-ўринни, “Халқаро савдо” бўйича 159-ўринни эгаллаб турибди. “Кичик бизнес субъектларига кредит бериш” деб номланадиган кўрсаткич бўйича Ўзбекистон сўнгги уч йилда (2014–2016) 42-ўринга кўтарилди ва 2016 йилнинг ўзида рейтингини 62 позицияга яхшилади”. Бундай ижобий кўрсаткичлар ўз навбатида мамлакатимиз ўз йўлини тўғри танлаганлиги натижасидир.

¹³ www.doingbusiness.org

КБХТни ривожлантиришга эътибор қаратиш ва уни рағбатлантириш мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг ҳал қилувчи стратегик омилларидан бири ҳисобланади. Иқтисодий адабиётларда давлат томонидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш зарурлиги назарий жиҳатдан асосланган. Жумладан, уни иқтисодий механизм орқали кафолатли тарзда ва тизимли шаклда қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги ғоялар борлигини таъкидлаш ўринлидир. Кичик бизнесни ривожлантиришнинг жаҳон тажрибасида мавжуд бўлган қўллаб-қувватлаш тизимида давлат патернализми (оталикқа олиш) тамойилини алоҳида кўрсатиш мумкин.

I боб бўйича хулоса

Бугунги кунга келиб тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг назарий асослари тобора такомиллашиб бормоқда. Чунки иқтисодчиларнинг, қолаверса, ҳукумат раҳбарларининг эътибори тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини кенг шакллантиришга эришишдир.

Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишига давлат томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу секторни ривожланишига замин яратиб, шарт-шароитларни, ҳуқуқий асосларни ишлаб чиқиш масаласи устувор вазифалардан биридир. Чунки бир тизимдан бошқа тизимга ўтиш даврида, жумладан бозор иқтисодиёти даврида давлатнинг роли ҳар томонлама ортиб боради. Давлат бозор муносабатларини ривожлантиришга шарт-шароитлар яратиб, унинг субъектлари фаолиятини таъминлашга имкониятлар яратади.

Тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига кенг йўл очилиши, моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга ҳам шунчалик шарт-шароитлар яратилиши табиий ҳол. Бу эса ўз навбатида мамлакат аҳолисининг фаровон турмушини яратишда, кенг истеъмол товарлар билан бозорни тўкин сочин қилишда, аҳолига турли-туман хизматлар кўрсатишни ташкил этишда муҳим омил ҳисобланмоқда.

II БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

2.1. Ўзбекистонда саноат тармоқларини ривожланишининг ҳозирги ҳолати таҳлили

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин барча соҳаларда туб ўзгаришлар бўлди. Шу билан бир қаторда иқтисодиётнинг етакчи соҳаси ҳисобланган саноатда ҳам катта ўзгаришлар содир бўлди. Энг муҳими нисбатан аграр соҳа ривожланган иқтисодиёт шаклидан мамлакатимиз иқтисодиёти саноати ривожланаётган шаклга ўтди. Саноатдаги ишлаб чиқариш корхоналарининг катта қисми акционерлик жамиятларига айлантирилди ҳамда хусусийлаштириш жараёнлари амалга оширилди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида бозор иқтисодиётига ўтиш даврида саноат ишлаб чиқариш корхоналарининг иқтисодий механизмларини кучайтиришга ва корхона самарасини орттиришга имконият яратилди.

“Саноат сиёсати миллий иқтисод тизимининг саноатни қўллаб-қувватлашга ва барқарор ўсишига йўналтирилган иқтисодий, сиёсий ва ташкилий тадбирларнинг мажмуи ҳисобланганлиги боис, унинг асосий мақсади мамлакат иқтисодиётининг жадал ривожланиши, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг фаровонлигини ва уларнинг рақобатдошлигини оширишдир.

Шу нуқтаи назардан, саноат сиёсати эскирган ишлаб чиқариш тузилмаларини бартараф этади ҳамда замонавийларини шакллантиради, илмий-техник тараққиётни жадаллаштиради ва бошқарувини такомиллаштиради, шунингдек, жаҳон иқтисодиётини глобаллашувининг объектив талабларига мослашувчанлигини янада ошириб боради”¹⁴.

¹⁴ Бурханов А. Ўзбекистонда саноат тармоқларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Биржа эксперт (журнал). Номер: №3(99)-2016. Б. 3-8.

Давлатимиз раҳбари томонидан эълон қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам саноат ва унинг тармоқларини ривожлантиришга ва тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан: “2017-2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурларини рўёбга чиқариш режалаштирилмоқда. Натижада кейинги 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 баравар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизгача, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизгача ошади ва 2017 йилда 75 дан ортиқ янги турдаги рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ўзлаштирилади.

Тармоқлар ва хўжалик бирлашмалари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда, биринчи навбатда ишсизлик даражаси юқори бўлган ҳудудларда амалга ошириш учун қуйидаги йўналишларда янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш: енгил саноатда 85 та, чармпоябзал соҳасида 31та, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда 16 та, озиқ-овқат саноатида 78 та, фармацевтика соҳасида 18 та, электротехника саноатида 17 та лойиҳа.

2017 йилда саноат тармоқларидаги йирик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархини ўртача 8 фоизга қисқартириш ва рақобатбардошлигини оширишни назарда тутувчи комплекс чоратadbирларни амалга ошириш. Шу жумладан маънан ва жисмонан эскирган ускуналарни янгилаш ҳамда модернизация қилиш, ишлаб чиқаришда энергия самарадорлигини ошириш, технологик жараёнларни оптималлаштириш кўзда тутилмоқда. Бу эса ўз навбатида маҳаллий маҳсулотларнинг, биринчи навбатда, ташқи бозорларда рақобатбардошлигини ва тармоқларнинг экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилади”¹⁵.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 2017 йил 7 февраль, сон-4947.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда саноат ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантириш уларнинг иқтисодий механизмларини кучайтиришга эътибор қаратилмоқда ва бунга имкониятлар ҳам яратилмоқда. Шу хусусида мамлакатимизда саноат корхоналарида кенг миқёсда модернизациялаш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш амалга оширилмоқда.

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни ривожлантиришнинг асосини корхоналар барқарорлигини ошириш ташкил этади. Шундай экан, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни ва экспортни ривожлантириш, мавжуд захиралардан тежамкорлик билан фойдаланиш асосида сифатли ва арзон ва рақобатга бардош бера оладиган халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, шунингдек, халқ турмуш фаровонлигини ошириш бугунги куннинг дозарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланмоқда.

Иқтисодий ислохотларнинг янги босқичида корхоналарни иқтисодий салоҳиятини ошириш, яъни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш, ишлаб чиқариш тизимларини бунёд этишга ўта муҳим масала сифатида қараш зарурлиги давр талабидир.

Саноат - моддий ишлаб чиқаришнинг энг йирик етакчи тармоғи бўлиб, унда меҳнат қуроллари (воситалари), меҳнат буюмлари ва халқ истеъмол товарларининг кўпчилик қисми яратилади. Унда машина ва механизмларнинг барча турлари, бино ва иншоотларнинг конструктив элементлари ишлаб чиқарилади, ер ости бойликларини қазиб олиш амалга оширилади, минерал, ўсимлик ва ҳайвон хомашёсига ишлов берилади ҳамда кенг истеъмол моллари тайёрланади.

Саноат жамиятнинг етакчи кучи бўлган ишчилар синфини ўзида бирлаштиради. Саноат ривожини туфайли унда банд бўлган ходимларнинг сони кўпаяди, уларнинг билим ва илми, маҳорати ортади, кадрлар салоҳияти юқори даражага кўтарилади.

Саноат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини қайта қуришнинг негизи ҳисобланади. Уни янги техника билан таъминлаш орқали саноат деҳқон хўжалигини иқтисодий ва маданий жиҳатдан юқори даражага кўтаришга, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим тафовутни йўқотишга, деҳқон меҳнатини индустриал меҳнатга айлантиришга ёрдам беради.

Саноат учун узлуксиз фан-техника тараққиёти ва ишлаб чиқариш илм-фан ютуқлари билан қуrollанишининг ўсиши характерлидир. Унда электрлаштириш ва электронизациялаш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва компьютерлаштириш ҳамда кимёлаштириш соҳасидаги илғор ютуқлардан кенг фойдаланилади ва уларнинг ютуқларини тинчлик мақсадида қўлланилади.

Саноат, айниқса унинг устувор соҳалари бутун ишлаб чиқаришни глобаллаштириш муаммоларини ҳал этишнинг калитидир.

Саноат моддий ишлаб чиқаришнинг бош тармоғи, иқтисодиётнинг пойдеворидир. Миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларини қайта қуришга қодир бўлган йирик машиналашган саноатгина мустақилликнинг бирдан бир моддий негизи бўлиши мумкин.

Саноат табиатда учрайдиган моддий бойликларни қазиб чиқариш ва тайёрлашни, уларни ва қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлашни ўз ичига қамраб олади. У барча халқ хўжалиги тармоқлари учун ишлаб чиқариш кучларининг асосий элементларидан бири ҳисобланган жамиятнинг табиат устидан ҳукмронлигини бирмунча орттирадиган, фан-техника тараққиётини белгилайдиган, инсон меҳнатининг унумдорлигини оширишга имкон берадиган, меҳнат ва ишлаб чиқариш қуrollарини яратадиган соҳадир.

Саноат тараққиёти ишлаб чиқариш кучларининг бир томонлама ривожланишига хотима беради, мамлакат ва унинг ажралмас қисми бўлмиш вилоятларнинг табиий бойликларидан, хом-ашё ва меҳнат ресурсларидан кенгроқ ҳамда ҳар томонлама фойдаланиш имкониятини яратиб беради.

Ўзбекистон саноатининг ҳозирги тараққиёти катта динамиклик билан

ажралиб туради, чунки у мустақиллик йилларида, айниқса XX асрнинг охири ва XXI аср бошларида юқори суръатлар билан ривожлана борди. Айни вақтда ишлаб чиқаришнинг юқори даражада ўсиш билан бир қаторда, унинг тузилмасида ҳам узлуксиз таркибий ўзгаришлар бўй берди. Саноатнинг узок истиқболга мўлжалланган ривожини аниқлаш, турли иқтисодий мутаносибликларни белгилаш ва уларга эътибор қилиш зарурлигини талаб қилади.

Хусусан қуйидаги жадвалда саноат тармоқларига қаратилаётган эътибор туфайли саноатнинг жадал суратларда ўсишини кўришимиз мумкин.

2.1.1-жадвал.

Саноатнинг ривожланиш динамикаси (фоизларда)¹⁶

Кўрсаткичлар	Йиллар							
	2005	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016
ЯИМда саноатнинг улуши, %	21,1	23,9	24,0	24,0	24,1	24,2	33,5	33,6
Саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари, ўтган йилга нисбатан фоизда	107,2	108,5	106,4	107,9	109,6	108,3	107,9	106,0
Иқтисодиётда бандлар сонига саноатнинг улуши, %	13,2	13,2	13,1	13,0	12,9	12,8	12,8	---

Жадвалдан саноатнинг иқтисодиётдаги улуши йилдан-йилга сезиларли даражада ўсаётганини кўриш мумкин. Жумладан саноатнинг ЯИМдаги улуши 2005 йилда 21.1 фоизни ташкил қилган бўлса 2015 йилга келиб 33.5 фоизга етти, саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари эса 2005 йилдан 2013 йилгача ўсиши (109.6 фоиз) кузатилган бўлса 2015 йилга келиб бироз построк (107.9 фоиз) кўрсаткичга эришилди.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, агросаноат комплекси ва унинг локомотиви бўлган кўп тармоқли

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

фермер хўжаликларини янада ривожлантириш, маҳсулот етиштириш самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар соҳада ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажмининг ўсишига хизмат қилди.

2016 йилда истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳажми 2015 йилга нисбатан 5,4 фоизга ўсиб, 47,4 трлн. сўмни ташкил этди. Бунда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2015 йилга нисбатан 11,4 фоизга ортди.

Лекин сўнги йилларда иқтисодиётда бандлар сонидан саноатнинг улуши паст кўрсаткичларда.

Ушбу соҳани ривожлантириш, бандликка кўмаклашиш ва фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида ҳам бир қатор лойиҳалар ишлаб чиқилди.

Жумладан: “Ҳудудларни комплекс ривожлантириш дастурлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан тасдиқланган аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш: 2017 йил давомида саноатни (5440 та лойиҳа 131 мингта иш ўрни билан), қишлоқ хўжалигини (8430 лойиҳада 55,8 мингта иш ўрни билан) ва хизмат кўрсатишни (11 мингта лойиҳа 69,5 мингта иш ўрни билан) ривожлантириш бўйича вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг фаолиятини кучайтириш”¹⁷.

Ҳозирги замон саноати бир-бири билан чамбарчарс боғлиқ бўлган кўпгина тармоқлар ва ишлаб чиқаришлардан ташкил топади. Бугунги кунда Республика саноатида 175 тармоқ, 25000 дан ортиқ йирик ва ўрта саноат корхоналари мавжуд.

Умуман олганда, тармоқлар бўйича ишлаб чиқариш таркибида оғир саноат (ёнилғи-энергетика мажмуаси, машинасозлик, металлургия) салмоғининг ошиши енгил саноат улуши ҳисобига бўлмоқда. Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва қўшимча қиймат яратувчи саноат тармоқларини ривожлантиришга қаратилган иқтисодий стратегия

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 2017 йил 7 февраль, сон-4947

республикага яхши натижалар келтирмоқда.

Ўзбекистон ўзининг олтини, пахта толаси ва ипаги, нефти ва газ, самолёт ва автомобиллари, пахта териш ва пахтани қайта ишлаш машиналари билан, эксковатор ва компрессорлари, вино ва консервалари ҳамда бир қатор бошқа саноат маҳсулотлари билан дунёга машхурдир.

Ўзбекистон Республикасининг индустриал қиёфасини энергетика, кон- руда, олтин қазиб олувчи, самолётозлик ва автомобилсозлик саноатлари, электротехника ва электрон саноатлари, кўп тармоқли машинасозлик ва қурилиш материаллари саноати белгилаб бермоқда.

Саноат тармоғи барча ривожланган мамлакатлар каби бизнинг республикада ҳам, давлат бюджетига тушадиган асосий даромадлар манбаидан бири ҳисобланади. Саноат кенг қўламли ва сертармоқ соҳадир. У ўз ичига оғир ва енгил саноат тармоғини қамраб олади. Оғир саноат тармоғи таркибига электроэнергетика, ёқилғи, металлургия, машинасозлик ва метални қайта ишлаш, қурилиш материаллари ҳамда кимё-нефт соҳалари кирса, енгил саноат тармоғи тўқимачилик, тикувчилик, чарм-пояфзал ва озиқ-овқат соҳаларини ўз ичига олади. Ўзбекистон саноати тўқимачилик ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш борасида кўп асрлик анъаналарига эгадир. Ўзбек ҳунармандларининг маҳсулотлари дунёга машхур ҳисбланади. Қурилиш соҳасида ҳам қадимдан етакчи саналади. Бунга Бухоро, Самарқанд, Хива ва Тошкентда жойлашган қадимий бино-иншоотлар мисол бўлади. Бундан ташқари “Буюк ипак йўли” марказида Ўзбекистонни жойлашиши тўқимачилик ва тикувчилик шоҳасини ривожланишига сабаб бўлган. Миллий иқтисодиётимизда саноат тармоғи муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у қуйдаги хусусиятларига кўра иқтисодиётимиз тармоқлари орасида етакчи ўринда туради:

- ушбу тармоқ бозорнинг катта қисмини эгаллаб, аҳоли истеъмол товарларини ишлаб чиқаради;
- мамлакатнинг асосий экспорт маҳсулотларини етказиб беради;
- республика аҳолисининг катта қисмини иш билан таъминлайди;

- мамлакатни иқтисодий қудратини оширади.

2.1.2-жадвал

Саноат тармоқларининг асосий фондлари ривожланиш динамикаси (млрд.сўм)

Тармоқлар	2012 й	2013 й	2014 й	2015 й
Электрэнергетика	4067.1	5978.7	7104.5	8057.2
Ёқилғи	10073.9	12646.3	15161.2	17598.1
Нефт-кимё саноати	1502.7	1750.4	1904.2	2452.3
Машинасозлик ва металга ишлов бериш	3521.0	4342.5	5204.6	5738.0
Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза қоғоз	163.0	199.6	202.4	187.7
Қурилиш материаллари	1038.6	1341.9	1595.0	1835.3
Енгил саноат	2251.9	2626.5	2840.3	3288.5
Озиқ-овқат	1315.4	1601.0	1764.4	2175.6
Бошқалар	8645.0	10013.4	12482.9	13873.8
Саноат жами	32578.6	40500.3	48259.5	55206.5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

Жадвалдан кўриниб турибдики саноатнинг барча тармоқларининг асосий фондлари сўнги йиллар мобайнида ўсишга эришилмоқда. Хусусан 2012-2015 йиллар мобайнида электрэнергетика саноати фондлари икки баробар ўсди. Ёқилғи саноати фондлари эса 2012 йилда 10073.9 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса 2015 йилга келиб 17598.1 млрд.сўмга етти, бу эса 2012 га нисбатан 13.8 фоизга кўп демакдир. Бундан ташқари нефт-кимё саноати ва бошқа санот тармоқлари фондлари ҳам сезиларли даражада ўсгани кузатилди.


Кейинги даврларда Ўзбекистон Республикаси саноатида сифат ва миқдор жихатидан жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бу ўзгаришлар республика ички бозорини сифатли моллари билан тўлдириш, уларни экспортга сотиш учун ишлаб чиқариш ҳажмини юксалтириш, маҳсулот турларини кўпайтириш ва сифат борасидаги ишлар орқали яққол номоён бўлмоқда. Бироқ тармоқдаги корхоналар инвестиция фаолиятини

молиялаштиришни ривожлантиришни асосий омили сифатида жалб этиладиган маҳаллий ва хорижий сармоялар асосий аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда саноат тармоғи таркибига кирувчи корхоналарни инвестиция фаолиятини ривожлантириш борасида корхоналар томонидан олиб борилётган чора-тадбирлар диққатга моликдир.

Саноат корхоналари ички ва ташқи бозорни турли ҳилдаги рангли ва қора металллар, автомобиллар, қурилиш материаллари, газламалар, кийимлар, озиқ-овқатлар, ҳар хил соҳалар учун махсус кийим ва асбоб-ускунлар билан таъминлайди. Шунингдек, ушбу тармоқ корхоналари иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари (қишлоқ хўжалиги, транспорт, алоқа ва бошқалар) учун ҳам маҳсулотлар тайёрлаб беришга хизмат қилади.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш, бунда корхоналарни технологик жиҳатдан янгилаш ҳисобига тайёр истеъмол товарлари турларини кенгайтириш ҳамда хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш натижасида 2016 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 2015 йилга нисбатан 6,6 фоизни ташкил этди. Тижорат банклари томонидан ажратилаётган инвестицион кредитлар ҳажми 2016 йилда ҳам барқарор суръатларда ўсиб борди. Улар асосан «2015-2019 йилларда устувор равишда иқтисодиётнинг саноат тармоқларини таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, замонавий инфратузилмани шакллантиришга қаратилган Давлат дастурлари»га киритилган инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш мақсадларига йўналтирилмоқда.

Ўз навбатида, иқтисодиётга йўналтирилган инвестициялар ҳисобидан мутлақо янги, юқори технологияларга асосланган саноат тармоқлари, хусусан, нефть-кимё, автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги ва темир йўл машинасозлиги, фармацевтика, электротехника, тўқимачилик саноати, замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бошқа соҳалар изчил ривожланмоқда. (2.1.1-расм).



2.1.1-расм. Инвестицион кредитлар динамикаси (трлн. сўм)¹⁸

Расмдан шуни хулоса қилиш мумкинки 2016 йил давомида корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш мақсадларига тижорат банклари томонидан жами 12,2 трлн. сўм ёки 2015 йилга нисбатан 1,2 баробар кўп инвестицион кредитлар ажратилди.

Яратилаётган барча қулайликлар фуқаролик жамиятининг иқтисодий ва сиёсий таянчи бўлган ўртача мулкдорлар синфи мавқеини мустаҳкамлашга ҳамда КБХТ субъектларининг мамлакат иқтисодий ва ижтимоий сиёсатида ўз ўрнига эга бўлишига хизмат қилади.

Шу билан бирга, “Саноат корхоналарида ишлаётганларни сонини ошириш, саноат корхоналарни модернизация қилиш ва техник-технологик янгилаш мамлакатимизда саноатни янада ривожланишига, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилиб, йирик инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган бўлиши лозим.

Чунки, ишлаб чиқаришга инвестициялар жалб қилиш натижасида ижтимоий меҳнат унумдорлиги ва самарадорлиги ошади ҳамда маҳсулот бирлигига меҳнат сарфи камаяди. Эски техникани янгиси билан алмаштирилганда маҳсулот бирлигига амортизация харажатларининг ортиши

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

(фонднинг қайтими пасайганда) бошқа харажатларнинг пасайиши билан копланadi. Эски техникани янгиси билан алмаштириш ишчиларнинг малакаси ошганда катта самара беради”¹⁹.

2.2. Ўзбекистон саноатида тадбиркорлик фаолияти ва уни тартибга солиниши

Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш жараёнида йирик ишлаб чиқариш корхоналари ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва бошқарув жараёнларини такомиллаштириш миллий иқтисодиётнинг ривожланишига асос ҳисобланади.

Саноатда тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши бу борада такомилланишнинг асосий мезонларидан биридир, хусусан, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш фаолиятинини ташкил этиш, бошқариш самарадорлигини ошириш йуллари бутун иқтисодиётнинг ривожланишига асос бўлади.

Давлат тадбиркорлик субъектлари фаолиятини республикада амалда бўлган қонунчилик доирасида тартибга солиб туради. Бу, биринчи навбатда, уларни ташкил этиш ва фаолият кўрсатиши бўйича қоидаларни белгилаш, ердан фойдаланиш, меҳнат, мол-мулк ва бошқа муносабатларни тартибга солиш ҳамда бухгалтерия, солиқ ва статистика ҳисоботларини юритиш тартибларини жорий этиш ва бошқаларни назарда тутати.

Ўзбекистонда саноатда тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш қуйидаги йўналишларда амалга оширилмоқда:

- тадбиркорларнинг ишбилармонлик фаоллигини ошириш, фуқароларнинг тадбиркорлик фаолияти билан эркин шуғулланишлари ва ундан манфаатдорлигининг кафолатли тизимини яратиш ҳамда уларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилиш;

¹⁹ Бурханов А. Ўзбекистонда саноат тармоқларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Биржа эксперт (журнал). Номер: №3(99)-2016. –Б.3-8.

- кичик корхоналар яратилиши ва фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий негизини такомиллаштириш;
- кичик тадбиркорлик корхоналарнинг кредит манбалари ва сармоялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;
- тадбиркорлик хатарларидан барқарор ҳимояланишни таъминлаш учун суғурта тизимининг аҳамиятини ошириш;
- тадбиркорлик соҳасига инвестицияларни (шу жумладан, чет эл инвестицияларини), замонавий технологиялар ва ускуналарни жалб этиш;
- кичик тадбиркорликка хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмаларини кенгайтириш ва ривожлантириш;
- кичик корхоналарнинг хом ашё, ахборотлар ва технологиялардан эркин ва тўсиқларсиз фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни ички ва ташқи бозорларда сотиш тизимини такомиллаштириш;
- кичик тадбиркорлик фаолияти кўрсаткичларининг бухгалтерлик ҳисоби ва таҳлили тизимини такомиллаштириш, улар учун давлат статистика, бухгалтерия ва солиқ ҳисоботининг соддалаштирилган тартибини жорий этиш;
- тадбиркорлик фаолияти субъектлари самарали фаолият юритиши учун уларни зарурий иқтисодий, статистик, ишлаб чиқариш-технологик, илмий-техник ва бошқа хил ахборотлар билан таъминлаш;
- солиқлар, йиғимлар ва тарифлар буйича имтиёзлар белгилаш;
- кичик ва ўрта бизнес учун кадрлар таёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ривожлантириш ва бошқалар.

Давлатнинг саноатда тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришни тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш соҳасидаги фаолияти маълум бир шакллар ҳамда усуллар асосида олиб борилади. Давлат тадбиркорлик субъектлари фаолиятига маъмурий, иқтисодий ёки институционал усуллар ёрдамида бевосита ёки билвосита таъсир ўтказади.

Давлат тадбиркорлик субъектлари фаолиятини маъмурий усуллар ёрдамида тартибга солса, иқтисодий ёки институционал усуллар ёрдамида уларни қўллаб-қувватлаш чораларини амалга оширади.

Маъмурий усуллар ёрдамида хусусий мулк ва тадбиркорлик эркинлиги дахлсизлигини химоялаш ва кафолатлар бериш, монополияни чеклаш ва халол рақобатни муҳофаза қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, давлат томонидан қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий тартибларга риоя этилишини назорат этиш каби муҳим тадбирларни амалга ошириш таъминланади.

Иқтисодий усуллар ёрдамида давлат бозор жараёнларининг ривожланишини давлатнинг иқтисодий сиёсатига мос йўналишга солиш учун таъсир этиш чораларини қўллайди. Иқтисодий усуллар ёрдамида тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш молия, пул-кредит, солиқ, божхона, баҳо, суғурта ва бошқа дастаклар орқали таъминланади.

Иқтисодий ва институционал усуллар орқали тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш кўпроқ аҳамият касб этиб бораверади. Чунки, улар тадбиркорлик ва танлов эркинлиги, шахсий манфаатдорлик ва соғлом рақобат муҳитида тадбиркорлик субъектларининг самарадорлигини юксалтиришда давлатнинг рағбатлантирувчилик рўлини юзага чиқаради.

Давлатнинг иқтисодий жараёнларга таъсири даражасига кўра, тартибга солишнинг бевосита ва билвосита усуллари мавжуд.

Бевосита қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғридан-тўғри тадбиркорлик субъектларига йўналтирилган бўлади ва уларнинг моддий ахволини яхшилаш ҳамда иқтисодий самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Бундай чора-тадбирлар сирасига солиқлар тўлашда енгилликлар жорий этиш, имтиёзли шартлар ва фоизларда кредитлар бериш, давлат буюртмаси бўйича харид қилинадиган маҳсулотларга кафилланган баҳолар белгилаш, экспорт-импорт операцияларида қулай тарифлар ва тўловлар ўрнатиш каби иқтисодий дастаклар киради.

Баъзан давлат тадбиркорлик субъектларига қулай шарт-шароитлар

яратиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида билвосита қўллаб-қувватлаш чораларини ишга солади. Билвосита қўллаб-қувватлашда давлат маълум бир соҳаларда тўғридан-тўғри тадбиркорлик субъектларига имтиёзлар яратмасдан, балки уларга хизмат кўрсатувчи тармоқлар корхоналарига имтиёзлар яратади. Бундан асосий мақсад ушбу корхоналарнинг тадбиркорларга етказиб бераётган товар-моддий қийматликлари ҳамда хизматларининг нархини сезиларли даражада пасайтириш ва пировард натижада тадбиркорлик субъектларига қулай иқтисодий шароитлар яратиб беришдир. Гарчи, билвосита қўллаб-қувватлаш чораларининг объекти бевосита тадбиркорлик субъектлари бўлмасада, улар тадбиркорлар учун муҳим аҳамиятга эга. Давлатимиз томонидан тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш туфайли иқтисодиёт асосий тармоқларидаги улишини ошириш кузатилди. Айниқса саноатдаги улиши сезиларли даражада ўсаятиганини такидлаш мумкин.

2.2.1-жадвал.

Кичик тадбиркорликнинг иқтисодиёт асосий тармоқларидаги улиши (фоизда)

	2012	2013	2014	2015	2016
ЯИМ	54,6	55,8	56,1	56,5	56,9
Саноат	23,1	28,1	31,7	40,6	45,0
Қишлоқ хўжалиги	97,8	98,0	98,0	98,2	98,2
Қурилиш	71,1	71,5	69,5	66,7	70,7
Савдо	87,3	86,6	86,3	87,1	89,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

Ушбу жадвалдан давлатимиз томонидан тадбиркорликнинг ривожлантиришга қаратилаётган эътибор туфайли кичик тадбиркорликнинг иқтисодиёт асосий тармоқларидаги улишини йилдан-йилга ўсиб бораётганини кўриб турибмиз. Келтирилган кўрсаткичлар таҳлили натижаси шуни кўрсатмоқдаки кичик тадбиркорликнинг ЯИМ даги улиши 2012 йилда 54.6 бўлган бўлса 2016 йилга келиб бу кўрсаткич 56.9 фоизга, саноатда эса 23.1 дан 45.0 фоизга, ва бошқа соҳаларда ҳам сезиларли даражада ўсди.

Республика ҳукумати томонидан саноатда тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожланишини ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва шу асосда аҳолининг бандлиги, фаровонлигини оширишга ҳамда хусусий тадбиркорликни янада эркинлаштириш ва рағбатлантириш, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қонунчиликни мустаҳкамлаш, солиқ юкини ва давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини изчил камайтириш, бозор инфратузилмасини шакллантириш борасидаги ишлар давом эттирилмоқда. Жумладан тармоқларда тадбиркорлик билан шуғулланаётганлар сони ҳам йилдан йилга ошиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида иш билан бандлар сонини ҳам оширмоқда.


2.2.2-жадвал.

Тармоқлар бўйича кичик корхоналар ва микрофирмалар сони

Тармоқлар	2013			2014			2015			2016		
	Рўйхатдан ўтган	Фаолият кўрсатаётган	Янги ташкил этилган	Рўйхатдан ўтган	Фаолият кўрсатаётган	Янги ташкил этилган	Рўйхатдан ўтган	Фаолият кўрсатаётган	Янги ташкил этилган	Рўйхатдан ўтган	Фаолият кўрсатаётган	Янги ташкил этилган
Саноат	40135	35031	5457	43704	39325	7316	46901	42282	6450	48385	45067	6597
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	19281	16911	2231	19948	17803	2417	20126	17749	2293	20194	18296	2364
Қурилиш	21492	18066	1936	22354	19434	2766	23740	20744	3134	24464	22256	3010
Транспорт ва алоқа	9595	8351	1148	9798	8706	1542	10514	9365	1522	11218	10394	1385
Бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари	21435	18623	2024	22312	20048	2256	22492	19846	2725	23495	21671	3086
Савдо ва умумий овқатланиш	74775	62534	6494	74669	65244	7803	76147	66458	7604	75862	68361	8174
Тармоқлар бўйича жами	206589	177551	21078	213643	189867	26334	221140	196014	26037	225998	207104	26896

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

Жадвалдан кўриниб турибдики айни саноат бўйича кичик корхоналар ва микрофирмалар сони сезиларли даражада ўсган. 2013 йилда 5457 та кичик корхона янги ташкил этилган бўлса 2016 йилга келиб 6597 та кичик корхона янги ташкил этилди. 2013 йилда фаолият юритаётганлар сони 35031 та бўлган бўлса 2016 йилга келиб 45067 тага етди. Буларнинг барчаси ушбу соҳага қаратилаётган этибор ва яратилаётган имкониятлар натижасидир.



2.2.1-расм. Саноат бўйича кичик корхоналар ва микрофирмалардаги ходимларнинг йиллик ўртача сони(минг киши)²⁰

Юқорида келтирилган расмдан кўриниб турибдики саноатдаги кичик корхоналарнинг ходимлари сони ҳам йилдан йилга кўпайиб борди. Жумладан ушбу соҳани 2012 йил рўйхат бўйича 222,8 минг киши бўлган бўлса 2015 йилда эса бу кўрсаткич 257,1 минг кишига етди.

Бундан ташқари тадбиркорлик субъектлари томонидан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ортиши ҳам ушбу соҳада қилинаётган тадбирлар натижасидир. Қуйидаги жадвалда тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таҳлил қилинган.

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

2.2.3-жадвал.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми²¹

Тармоқлар бўйича		2012	2013	2014	2015
Саноат маҳсулотлари	Млрд. Сўмда	11795.2	18072.0	23808.5	39643.5
	Фоиздаги улуши	23.1	28.1	31.7	40.6
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	Млрд. Сўмда	26578.3	33502.6	38948.7	41591.3
	Фоиздаги улуши	97.8	98.0	98.0	98.4

Жадвалдан кўриниб турибдики Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 2012 йилда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларидаги улуши 11795.2 млрд. (23.1 фоиз) ни ташкил қилган бўлса 2015 йилга келиб 39643.5 млрд. (40.6 фоиз) га етди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 2015 йилда 2012 йилга нисбатан 0.6 фоизга ўсишга эришган. Саноат маҳсулотлари эса 17.5 фоизли пунктга ошган. Бундан кўриниб турибдики тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми тез суръатларда ўсмоқда.

Ўзбекистонда инфляцияни олдини олиш, ишсизликни бартараф этиш, аҳоли даромадларининг ўсиш суръатларини сақлашга йўналтирилган чора-тадбирлар ҳар йили кўриб борилади. Бунда саноатда тадбиркорлик фаолиятига бўлган давлат сиёсатидаги эътиборнинг алоҳида эканлиги муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса шуки, ҳар қандай мамлакатда ислохотларни амалга оширишда давлат тизими ва унинг таркибини ташкил этувчи бошқарувчи органлар етакчилик қилиши керак. Фақат давлатгина жамиятни ривожланишига иқтисодиётдаги номуносибликни бартараф этишга, бюджет, молия ва солиқ сиёсатини моҳирона ва одилона амалга оширишга имконият яратувчи кучга эга. Бозор иқтисодиётида давлат томонидан тартибга солиш, режалаштириш ва бошқариш шарт-шароитлар яратиш, буларнинг ҳаммаси мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини

²¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

амалга оширишга олиб келади. Бу эса ўз ўзидан тадбиркорликни ривожлантиришга олиб келадиган муҳитни ҳам яратади.

2.3. Саноатда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш йўллари

Саноатда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, уни бошқаришни такомиллаштириш тажрибасини таҳлил этиш, умумлаштириш, илмий хулосалар чиқариш мамлакатимиз иқтисодиёти олдидаги долзарб вазифалардан ҳисобланади. Кейинги йилларда мазкур йўналишда бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда ва иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида саноатда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун мавжуд меъёрий-ҳуқуқий асосни қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан янгилаш, ташқи иқтисодий фаолиятда фаол иштирок этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, бу жараёнида бошқаришни такомиллаштириш йўллари ва усуллари чуқур ўрганилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан эълон қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам саноатда тадбиркорлик фаолиятини юксак босқичларга кўтаришга ва уни такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилган.

Хусусан: “Тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада рағбатлантириш ва такомиллаштириш, экспорт-импорт операцияларини тартибга солишни такомиллаштириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш, экспорт ҳажмини кўпайтириш ва географиясини кенгайтириш;

тадбиркорлик субъектларини хом ашё ва материаллар билан таъминлаш. Бундан кутилаётган натижа: Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмаётган ёки ишлаб чиқариш ҳажми етарли бўлмаган маҳсулотлар импорти динамикасини таҳлил

қилиш асосида бундай товарларга божхона тўловлари миқдорини қайта кўриш ва очик биржа савдолари орқали юқори ликвидли товарларни сотиш ҳажмларини 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорга ошириш;

солиқ маъмурчилиги сифати ва самарадорлигини яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида солиққа тортишни такомиллаштириш”²².

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини эркин фаолият юритиши учун қулай шарт – шароит яратиш, хусусан, турли тўсиқларни олиб ташлаш, юқори ликвидли маҳсулотлар, хом ашё ва материалларни очик биржа савдоларида сотишни ташкил этиш, янги тузилаётган тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишни енгиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар кўрилмоқда. Тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сертификатлашга доир қарорлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг имкониятлар очиб берди.

Мамлакатимизда бозор инфратузилмасини кенг қўламда ташкил этиш ва уни жадаллаштириш жараёнларини бошқариш, уни жаҳон иқтисодиёти талабларига мослаштириш мақсадида республика вилоятларида бозор қайта ўзгартиришларини давлат томонидан тартибга солишни амалга ошириш, бозор инфратузилмасини ривожлантиришнинг самарали тизимини шакллантириш, республика ички ва ташқи иқтисодий ҳўжалик алоқаларини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш йўлидаги ислоҳотлар кучайтирилди.


Саноатда тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишда уларга банк кредитлари бериш, шу жумладан имтиёзли микрокредитлар бериш асосида инвестиция лойиҳаларини маблағ билан таъминлашни, уларнинг устав сармояларида иштирок этишни, маслаҳат ва ахборот хизматлари шаклида техник ёрдам кўрсатишни амалга оширувчи ҳудудий тармоқлари ривожлантирилди. Тадбиркорлик фаолиятини суғурта йўли билан ҳимоя қилиш бўйича ҳудудий агентликлар ташкил этилди. Бу

²² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 2017 йил 7 февраль сон-4947.

агентликлар тадбиркорлик таваккалчиликларини имтиёзли шартларда суғурта йўли билан ҳимоя қилган, тўланмаган қарзлар учун қарздорларнинг жавобгарлигини суғурта қилган, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришга йўналтирилаётган чет эл инвестициялари суғурта йўли билан ҳимоя қилинишини таъминлаган ҳолда кичик ва хусусий корхоналарнинг кредитлар, шу жумладан имтиёзли кредитлар олишлари учун инвестиция лойиҳаларини баҳолайдилар ва экспертизадан ўтказадилар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи бошқа фондлар, суғурта муассасалари ташкил этилади.

Республикамизнинг барча минтақаларда кичик бизнесни ривожлантириш учун ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, табиий шарт-шароитлар ва имкониятлар мавжуд. Шу билан бирга ҳудудлардаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун бир нечта иқтисодий механизмлар ёрдамида тадбиркорларга имтиёзлар бериб келинмоқда. Ушбу иқтисодий механизмлардан: кредит, солиқ ва бошқа механизмларни такомиллаштириш орқали тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш йўналишлари ишлаб чиқилмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда яратилган ишбилармонлик муҳити қулай инвестициявий жозибадорликнинг муҳим таркибий қисми ва омилига айланди.




2.3.1-расм. Асосий капиталга киритилган инвестицияларда тадбиркорликни улуши(фоизда)²³

²³ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди

2016 йилда 19963.2 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 40.3 фоизи) ўзлаштирилди ва 2015 йилга нисбатан ўсиш суръати 122.9 фоизни ташкил қилди.

Шу билан бирга, тижорат банклари томонидан тадбиркорларни молиявий жиҳатдан таъминлашдаги механизмлар самарадорлигини ошириш, молиялаштиришнинг янги манбаларини жалб этиш негизида қулай инвестиция муҳитини яратиш, уларнинг экспорт-импорт жараёнларини ривожлантириши учун ташқи иқтисодий фаолият механизмларини такомиллаштириш ва жаҳон бозорларида фаолият олиб боровчи малакали кадрлар тайёрлаш ҳамда кичик бизнесда ўзаро кооперацияларни ташкил этишни йўлга қўйиш долзарб масала ҳисобланмоқда. Жумладан, ажратилаётган кредитлар ҳажмининг жадал суръатларда ошиши ҳам муҳим омил бўлмоқда.

2016 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар миқдори 2015 йилга нисбатан 1,3 баробардан зиёдга ошиб, қарийб 15,9 трлн. сўмни, шундан микрокредитлар ҳажми 1,3 баробарга ортиб, 3,3 трлн. сўмдан ортиқни ташкил этди.



2.3.2-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар миқдори, млрд. сўмда.²⁴

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

Хусусан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун 367,2 млрд. сўм, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 1 647,0 млрд. сўм, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 2752,6 млрд. сўм, ноозиқ-овқат истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 2 993,0 млрд. сўм, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун 362,1 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Шу билан бирга, «Микрокредитбанк» АТБ томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 437,6 млрд. сўм миқдорида ёки 2015 йилнинг мос даврига нисбатан 1,2 баробарга кўп микромолиявий хизматлар кўрсатилди.

Бундан ташқари, мазкур даврда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки қошидаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси кўмагида қарийб 2,9 млрд. долларлик экспорт шартномалари имзоланиб, улар доирасида 470 та тадбиркорлик субъекти томонидан 1,4 млрд. долларлик экспорт амалга оширилди.

Жамғарма томонидан жами 3 356 та тадбиркорлик субъектига ўз товар ва хизматларини ташқи бозорларга чиқариш бўйича ҳуқуқий, молиявий ҳамда ташкилий хизматлар кўрсатилди.

Кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш учун халқаро молия институтларининг имтиёзли кредит линиялари ҳисобидан 206,7 млн. АҚШ доллари миқдорида кредитлар ажратилди.

Республика ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига асосан тижорат банклари томонидан 2,0 трлн. сўм ёки 2015 йилга нисбатан 25 фоизга кўп миқдорда кредитлар ажратилди.

Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган ушбу кредитлар 2016 йилда иқтисодиётимизнинг

турли соҳаларида 200 мингдан зиёд иш ўринлари ташкил этишда муҳим омил бўлди.

Бундан ташқари, саноатнинг енгил, озиқ-овқат ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларида ишчиларнинг энг кўп сони илгариги 100 кишидан 200 кишигача оширилгани кичик бизнесни рағбатлантириш борасидаги чора-тадбирлар тизимидаги муҳим қарор бўлди.

Шу билан бирга, тадбиркорларга янада қулайлик яратилиб, улар фаолиятини ривожлантиришга қаратилмоқда. Масалан, тадбиркорлик фаолиятини расмийлаштиришни соддалаштириш мақсадида тадбиркорларга давлат бошқаруви органлари томонидан амалга ошириладиган 145 та рухсат беришга доир меъёрлар ва чеклаш хусусиятига эга тартиботлар бекор қилинди, уларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхаларини тақдим этиш талаби бекор қилинди, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат божи миқдори 2 марта камайтирилди, тижорат банкларида миллий валютада ҳисоб рақами очганлик учун хўжалик субъектларидан тўлов бекор қилинди. Тадбиркорларни экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида маҳсулотларни экспорт қилишда божхона расмийлаштируви учун тўлов миқдори 2 марта камайтирилди. Тадбиркорларга ташқи иқтисодий фаолият соҳасида рухсат бериш хусусиятига эга бўлган 20 дан ортиқ ҳужжат шунингдек, импорт шартномаларини божхона органларида ҳисобга қўйиш тартиботининг бекор қилиниши, тадбиркорлик субъектларига божхона расмийлаштируви тартиботларини электрон кўринишда амалга ошириш ҳуқуқи тақдим этилиши, экспорт-импорт шартномалари тижорат банкларида 1 иш куни мобайнида ҳисобга қўйиладиган ҳамда юklarнинг божхона расмийлаштируви ва маҳсулотга келиб чиқиш сертификатини бериш тартиботи 3 иш куни давомида амалга ошириладиган, импорт товарларига мувофиқлик сертификати 10 иш куни давомида бериладиган, импорт товарларининг келиб чиқиш мамлакатини тасдиқлаш тартиботи бекор

килиниши айтиб ўтиш зарур. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларни солиқ органлари билан ўзаро муносабатлари такомиллаштирилиб, кичик корхоналар ва микрофирмалар фаолиятида улар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 3 йил давомида режали солиқ текширувлари ўтказилмайдиган, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган ҳамда ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсишини ва рентабеллигини таъминлаётган кичик бизнес субъектлари фаолияти 3 йил давомида текширилмайдиган ҳолга келтирилди. Тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш тартиби ҳам соддалаштирилиб, тадбиркорлик соҳасидаги 15 та лицензия талаб қилувчи фаолият турлари бекор қилинди, хўжалик юритувчи субъектлари учун давлат рўйхатидан ўтгунга қадар устав фондининг бир қисмини шакллантириш талаби бекор қилиниб, интернет тармоғи орқали фирма номларини захирага олиш тартиботи 4 соатда амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Банкларда ҳисоб рақами очганлик учун нотариал тасдиқланган имзо намуналарини тақдим этиш талаби бекор қилиниб, сув ва канализация тизимларига уланиш учун бериладиган рухсатнома 2 иш куни мобайнида тақдим этилиши кўзда тутилди.

Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилгани айни муддао бўлди дейиш мумкин. Зеро, ушбу жамғарма томонидан кичик бизнес субъектлари, жумладан, фермер хўжаликларига маҳсулотларни экспорт қилиш боғлиқ бир қатор хизматларни кўрсатиб келмоқда. Жамғарма маркетинг тадқиқотларини ва реклама тадбирларини ўтказган ҳолда мамлакатимиз тадбиркорлик субъектларига маҳсулотларни ташқи бозорларга олиб чиқишда ва харидор топишда, уларга экспорт шартномаларини тузишда, эҳтимолий хавф-хатарларни ҳимоя қилиш мақсадида суғурталашда ҳамда ваколатли органларда рўйхатдан ўтказишда кўмаклашади. Бу борада рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2015 йилда жамғарма томонидан 2 минг 400 та тадбиркорлик субъектига ўз товар ва хизматларини ташқи бозорларга чиқариш бўйича ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий хизматлар

кўрсатилди. Жамғарма кўмагида тадбиркорлик субъектлари томонидан 1 миллиард 250 миллион доллар миқдоридаги экспорт шартномалари тузилди. Мазкур шартномалар асосида ўтган йили қиймати 3588.5 миллион доллардан зиёд товарлар экспорт қилинди²⁵.



2.3.3-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг товарлар ва хизматлар экспорти ҳажмидаги улиши (фоизларда)²⁶

Тадбиркорлик субъектлари томонидан 2012 йилда 1910.5 млн. долл. миқдорда экспорт қилинган бўлса 2016 йилда эса 3588.5 млн.долл. миқдоридаги товар ва хизматлар экспорт қилинди. Бу йиллар орасида тадбиркорлик улишини жами экспорт ҳажмида икки баробардан ошишига эришилди.

Таъкидлаш жоизки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига давлатимиз томонидан тақдим этилаётган имтиёз ва имкониятлар амалда ўз самарасини бераётир. Хусусан ҳудудлар бўйича Кичик корхоналар ва микрофирмалар томонидан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда.

²⁵ www.stat.uz

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

2.3.1-жадвал.


Кичик корхоналар ва микрофирмалар томонидан амалдаги нархларда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти (ишлар, хизматлар) ҳажми (млрд. сўм)

Худудлар	2012 й	2013 й	2014 й	2015 й
Ўзбекистон Республикаси	9746.7	13302.7	17532.9	21494.0
Қорақалпоғистон Республикаси	120.8	150.1	226.6	272.1
Андижон	639.6	744.6	870.3	1012.2
Бухоро	367.6	492.7	664.6	795.1
Жиззах	148.4	250.0	267.8	358.6
Қашқадарё	308.3	324.0	414.2	470.9
Навоий	243.5	278.0	377.6	484.1
Наманган	408.9	559.5	754.1	901.0
Самарқанд	748.4	1035.4	1413.4	1746.4
Сурхондарё	129.9	163.9	223.5	258.9
Сирдарё	127.0	188.6	267.6	318.1
Тошкент вл.	1182.0	1667.7	2315.4	2592.8
Фарғона	494.1	689.3	952.2	1292.1
Хоразм	175.5	281.4	300.1	468.6
Тошкент ш.	4652.8	6477.7	8485.5	10523.0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

Жадваладан кўриниб турибдики саноат маҳсулотлари асосий ҳажми Тошкен шаҳарга тўғри келади, ва бундан ташқари 2015 йилда 2012 йилга нисбатан икки баробарга ошди. Бундан фарқли ўлароқ Фарғона вилоятида ҳам Кичик корхоналар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ҳам сезиларли даражада ўсган. Яъни 2015-йилда 2012 йилга нисбатан 3 баробар ўсишга эришилган.

Бу ўзгаришлар натижасида кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг соф тушумини ортишига ҳам эришилди.



2.3.4-расм. Саноат бўйича кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг маҳсулот сотишдан тушган соф тушуми.(млн. Сўм)²⁷

Юқоридаги расмни таҳлили шуни кўрсатмоқдаки саноат бўйича кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг маҳсулот сотишдан тушган соф тушуми 2012 йилда 10602.3 млн. Сўмни ташкил қилган бўлса 2015 йилга келиб 22077.9 млн.сўмга етди. Буларнинг барчаси мамлакатимиз томонидан қилинаётган ислохатлар натижасидир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдан асосий мақсад – бозорни турли-туман зарур товар ва хизматлар билан тўлдириб, истеъмолчиларни саралаб товар харид қилишига кенг имкониятлар яратиб, пировард натижада халқнинг фаровон турмуш шароитини таъминлашдан иборат. Энг муҳими бозор муносабатлар ташкил топади, ишбилармонлик муҳитининг кенгайишига шароитлар яратилади.

Тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига кенг йўл очилиши, моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга ҳам шунчалик шарт-шароитлар яратилиши табиий ҳол. Бу эса ўз навбатида мамлакат аҳолисининг фаровон турмушини яратишда, кенг истеъмол товарлар билан бозорни тўкин сочин қилишда, аҳолига турли-туман хизматлар кўрсатишни ташкил этишда муҳим омил ҳисобланмоқда. Шунинг учун бугунги кунда тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларини давлат томонидан тартибга

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

солиш масалаларида пухта ишланган ёндашувларни амалиётга жорий этиш муҳимдир.

II боб бўйича хулоса

Хулоса қилиб айтганда, саноатда тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши бу борада такомилланишнинг асосий мезонларидан биридир, хусусан, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш фаолиятинини ташкил этиш, бошқариш самарадорлигини ошириш йуллари бутун иқтисодиётнинг ривожланишига асос бўлади.

Кейинги йилларда мазкур йуналишда бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда ва иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида саноатда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун мавжуд меъёрий-ҳуқуқий асосни қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик жихатдан янгилаш, ташқи иқтисодий фаолиятда фаол иштирок этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, бу жараёни бошқаришни такомиллаштириш йуллари ва усуллари чуқур ўрганилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, саноатда тадбиркорлик субъектларига давлатимиз томонидан тақдим этилаётган имтиёз ва имкониятлар амалда ўз самарасини бермоқда. Хусусан уларга берилаётган солиқ имтиёзлари, ажратилаётган имтиёзли кредитлар миқдорини йилдан йилга ошиши, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлани конун ҳужжатлари билан қўллаб-қувватланганлиги ва кафолатланганлиги бунинг ёрқин мисolidир.

Хулоса

Битирув малакавий ишини бажариш жараёнида қуйидаги асосий таклифларни тайёрладик:

- саноат тармоқларидаги тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан тартибга солишда секин ривожланаётган соҳаларга эътиборни қаратиш лозим. Айни шу каби тармоқларда кредит бериш, солиқдан озод қилиш бож тўловларини камайтиришга ўхшаган имтиёзларни жорий этиш мақсадга мувофиқдир;

- саноатда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоялашни янада яхшилаш мақсадида аудит ва солиққа тортиш соҳасида ўрнатилган тартиб меъёрларини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш зарур;

- саноатда тадбиркорлик субъектларини бошқариш механизминини шакллантиришда хориж мамлакатлари тажрибаларининг самарали йулларидан фойдаланиш;

- саноат тадбиркорлик субъектларини текширувчи идоралар томонидан уларнинг фаолиятларига аралашувни камайтириш чораларини кўриш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари ўз ҳақ-ҳуқуқларини ўзлари ҳимоя қилишни яхши ўрганишлари лозим. Бунинг учун улар ҳуқуқий жиҳатдан билимларини оширишлари ва ўз фаолиятларида қонунга тушунган ҳолда суянишлари керак;

- иқтисодиётнинг устувор тармоқларида тайёр маҳсулотлар, шу жумладан, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган тадбиркорлик корхоналарини ташкил этишни кучайтириш ва уларга имкониятларни яратиш чораларини кўриб бориш лозим;

- саноатда тадбиркорлик субъектларини қишлоқ жойларида ўз шўъба корхоналарини, филиалларини ташкил этиш жараёнларини кучайтириш. Шунингдек, кичик ҳажмдаги меҳнатталаб тайёр маҳсулотлар, ярим фабрикат ва бутловчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш, буюртма беришларини, уларга асбоб-ускуна, технологик таъминотда ёрдам кўрсатишни рағбатлантиришга эришиш лозим;

- юқори ликвидли маҳсулотлар, хом-ашё ва материалларни ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларига очик биржа савдоларида сотишни ташкил этиш;

-чет элга маҳсулот экспорт қилувчи корхоналар учун сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш;

- тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур бўладиган харажатлар, хусусан, маҳсулотларини сотиш, ўз ишлаб чиқариши учун ресурслар сотиб олиш, мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, маркетинг ахборотларига эга бўлиш ва шу каби бошқа мақсадлар учун сарф қилинаётган харажатларини пасайтириш механизминини ишлаб чиқиш;

-тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи банкларнинг нақдсиз пуллар билан олиб борадиган операциялари тизимини такомиллаштириш;

- саноатда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш жараёнларини таҳлил қилиш мақсадида ҳар 3 ойда мониторинглар ўтказиш ва бунинг бир йил мобайнида тўрт марта амалга оширишга эришиш. Мониторингларнинг ўтказилишида мазмун-моҳият шарт-шароит яратишга йўналтирилган бўлиши даркор;

- саноатда тадбиркорлик субъектлари учун кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, бунинг учун оралик ўқишларни ва қисқа курсларни ташкил этиш, Савдо-саноат Палатаси, кредит банклари ва уюшмалари, деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, халқаро ташкилотлар грантлари ва стипендияларини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ
Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари ва
Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2016.
2. “Тадбиркорлик тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1991 йил. 15 февр.
3. “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1995 йил. 21 дек.
4. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1998 йил. 24 дек.
5. “Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1999 йил. 14 апр.
6. “Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлик кафолатлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2000 йил. 25 май.
7. “Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 1998 йил. 19 ноя.
8. “Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2003 йил. 24 янв.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. 2005 йил. 14 июн. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –2005. №23–24 (159–160). –б. 7–9.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. 2005 йил. 20 июн. //

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. -2005. №25–26 (161–162). –б. 4–6.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.10.2016 йилдаги ПФ-4848-сон «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони;

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.03.2017 йилдаги ПҚ-2844-сон «Тадбиркорлик субъектлари ва кенг аҳоли қатламига микрокредитлар ажратиш тизимини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори;

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.02.2017 йилдаги ПҚ-2749-сон «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори;

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.02.2017 йилдаги ПҚ-2750-сон «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори;

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.01.2017 йилдаги ПҚ-2746-сон «Кичик ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш тизимини янада кенгайтириш ва соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори;

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 2017 йил 7 февраль, сон-4947

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.05.2017 йилдаги ПФ-5037-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президенти маърузалари ва асарлари

18. Каримов И. А. “Тадбиркорлик – юксалиш гарови”.// Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз”. Т. 8. –Т.: Ўзбекистон, 2000. –528 б.
19. Каримов И.А. “Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш – тараққиёт гарови. // Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз”. Т. 9. –Т.: Ўзбекистон, 2001. –528 б.
20. Каримов И. А. “Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди”. Т. 13. –Т.: Ўзбекистон, 2005. –448 б.
21. Каримов И. А. “Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида”. Т. 16. –Т.: Ўзбекистон, 2008. –368 б.
22. Каримов И. А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. –Т.: Ўзбекистон, 2009. –59 б.
23. Мирзиёев Ш.М. “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз”. Т.: Ўзбекистон, 2017.
24. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз”. Т.: Ўзбекистон, 2017. 15-бет.
25. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш -юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”. 2016 - йил 7-декабр. Т.: Ўзбекистон, 2017

Китоблар, монографиялар ва илмий манбалар

26. Абулқосимов Ҳ., Худойберганов Н. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш муаммолари. –Т.: Университет, 1997.
27. Арипов О. А. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш. –Т.: Фан, 2012, 272 б.
28. Базаров Ф.О. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликка солиқ солиш тизимини такомиллаштириш. –Т.: Фан ва технология, 2010.

29. Вахабов А.В., Жумаев Н.Х., Хошимов Э.А. Жаҳон молиявий–иқтисодий инқирози: сабаблари, хусусиятлари ва иқтисодиётга таъсирини юмшатиш йўллари. –Т.: Академнашр, 2009. –141 б.
30. Рахмонкулов Х.Р. Бозор иқтисодиёти асослари. Термез: “Жайхун“, 1994.
31. Эраев Б. А., Каримова Г.И. Абулқосимов Ҳ.П. Бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солиш воситалари. –Т.: Шарқ, 1996.
32. Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. –Т.: Шарқ, 2002.
33. Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Ғафуров. ”Иқтисодиёт назарияси” (дарслик). Т.:Фан ва технология, 2005 й. 310-бет.
34. Тадбиркорликнинг энциклопедик луғати. (тузувчи. С.М.Синельников ва бошқалар. СПб. «Алта-фонд», «Аякс»,2004 йил. 32-бет.
35. Смит А. Рикардо Д. “Исследование о природе и причинах богатства народов”. М.:1993, с. 46,199.
36. Хоскин А. Курс предпринимательства. -М., 1993, с.23.
37. Шумпетер Й. Теория экономического развития. -М., 1982, с. 35.
38. Хайн Ф. Конкуренция как процедура открытия. «Мировая экономика и международные отношения» журналы, 1989. 12-сон.
39. Хизрич Р., Питерс С. Предпринимательство. -М., 1991, с.20.
40. Худойбердиев З. Я. Развитие систем подготовки кадров для сферы предпринимательства Тошкент, 2002 йил. с.25.

Журнал, газета ва тезислар

41. Бурханов А. Ўзбекистонда саноат тармоқларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Биржа эксперт (журнал). №3(99)-2016. -Б. 3-8.
42. Абдулқосимов Х., Кулматов О. Тадбиркорлик – сермашаққат фаолият. // Иқтисод ва ҳисобот, 1997. №9.
43. Воҳидова М. Биржа эксперт (журнал).Тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий ривожланиш жараёнида давлатнинг роли. №2(98)-2016

Статистик тўпламлар

44. Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик. –Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2016 й.
45. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил статистик ахборотномаси. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2017. – Б.10.
46. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. –Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. –Т.: 2015.
47. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. –Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2016 й.
48. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги маълумотлари. 2016 й.

Интернет сайтлари

49. www.gov.uz
50. www.lex.uz
51. www.doingbusiness.org
52. www.google.ru
53. www.stat.uz